

## ЎТМИШИ ШАРАФЛИ, БУГУНИ САОДАТЛИ, КЕЛАЖАГИ АБАДИЙ

Файзулло ЗОҲИДОВ,  
Маънавият тарғибот маркази  
Фарғона вилоят бўлими раҳбари

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов 1996 йилнинг 18 октябрида Амир Темур ҳайкалининг очилиш маросимида кўхна шаҳарнинг шонли тарихи, Соҳибқирон ва темурийлар давридаги қиёфаси ҳақида гапириб, Самарқандга «Ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳар», дея таъриф берган эди.

Ҳақиқатан ҳам Самарқанд деганда, кўз ўнгимизда улуғвор бир маскан намоён бўлади. Салкам уч минг йилдирки, Самарқанд мағрибу машриқда дунёнинг энг машҳур шаҳарларидан бири сифатида ўз мавқеини сақлаб келмоқда. Бутун дунёни ўзига мафтун этадиган Самарқанднинг Рим қаторида «абадий шаҳар» деган ном билан эъзозланиши боиси ҳам шу аслида.

Бу кўхна шаҳар ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани ва унда «Самарқанд – маданиятлар учрашадиган макон» деган сўзлар ёзиб қўйилгани барчамизга чексиз фахру ифтихор бахш этади. Шунингдек, Самарқанд инсон умри давомида бориб кўриши зарур бўлган дунёнинг 50 шаҳаридан бири саналиши унинг оламшумул шухратидан далолат беради.

Жуда катта илмий-маданий мероси билан жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келаётган Самарқанд истиқлол йилларида янги юксалиш, тараққиёт босқичига кўтарилди. Бу шаҳарнинг Амир Темур ордени билан мукофотлангани ва шу муносабат билан ҳар йили мамлакатимизда 18 октябрь – Самарқанд шаҳри куни деб нишонланиши унинг солномасида янги саҳифа очган эди. Мустақиллик йилларида ЮНЕСКО ташаббуси билан Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Имом Абу Мансур Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги кенг нишонланди.

Буюк Ипак йўли марказида жойлашган ушбу муаззам шаҳар азал-азалдан илм-фан, санъат ва маданият, адабиёт, меъморчилик ўчоғи сифатида эътироф этиб келинган. 2014 йил май ойида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда ҳам Самарқанднинг жаҳоншумул аҳамияти юқори эканлиги яна бир қарра намоён бўлди.

Юртбошимиз ташаббуси билан ҳар икки йилда бир маротаба Регистон мажмуасида «Шарқ тароналари» халқаро фестивали ўтказилади. Жаҳон ҳамжамияти ўртасида тинчлик, меҳр-оқибат, дўстона муносабатларнинг раванг топишида бу каби фестиваллар муҳим аҳамиятга эга. Истиқлол йилларида Амир Темур яратган «Боғи беҳишт», «Боғи дилқушо», «Боғи жаҳоноро», «Боғи Истиқлол» каби бир-бирдан сўлим боғлар қайта тикланиб, Самарқанднинг ҳусну малоҳатига янада чирой бахш этмоқда. Қадим ва навқирон иншоотлар, ранг-баранг кўринишда жилоланувчи мафтункор фавворалар янада жозибали ва тароватли. Тарихий манбаларда қайд этилишича, улуғ Соҳибқирон даврида ҳам Самарқандда кўплаб фавворалар бўлган. Испан элчиси Клавихо «Боғи дилқушо»даги ажиб манзарани шундай тасвирлайди: «Подшоҳ саройида суви юқорига отилиб турадиган фаввора бўлиб, унда қизил олмалар қалқиб туради».

Самарқанд маҳобатли юксак мақоми билан ҳамиша мўътабар ва мукаррам шаҳардир. Жаҳон цивилизациясининг қадимий марказларидан бири бўлган Самарқанддаги ҳар бир обида, хиёбон ва сўлим боғлар, яшил табиат манзаралари нафақат олис ва буюк ўтмишимиз, балки бугунги хур ва озод диёримиз, тинч ва осойишта ҳаёт, дориломон кунларимиздан акс-садо бераётгандек гўё. Бундай уйғунлик – тарих ва бугунги куннинг ўзаро ҳамоҳанглиги ажодлар ва авлодлар ўртасидаги мустаҳкам ришталар асло завоқ топмаслигини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, Самарқанд тупроғининг ҳар бир заррасида улуғ ҳикмат бор. Ҳар бир кўчаси, майдон ва хиёбонларида ўзгача салобат, файзу тароват мужассам. Бу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг ҳар қарич тупроғида бунёдкор халқимизнинг яратувчанлик ва бунёдкорлик салоҳияти, улкан истеъдоди, қадри кетмас кадриятлари бўй кўрсатиб турганлигини асло унутмаслик лозим.

Самарқанд ва Амир Темур номи бир бутунликни намоён этувчи ўзаро эгиз тушунчалар саналади. Бундай кутлуғ тушунчалар истиқлол фарзандлари – бахтиёр ва баркамол авлод учун яхшилик ва эзгулик ҳамиша мангу эканлигини англаувчи ибрат сабоғи, дарси бўлиши зарур.

## СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ҲАЁТ ЙЎЛИ

Нодиржон АБДУЛАҲАТОВ,  
Фарғона ВХТХҚТМОИ ректори,  
тарих фанлари номзоди

Ҳар бир халқнинг жаҳон маданияти саҳнасида бошқаларга кўз-кўз қилгудек бебаҳо бойликлари бўлади. Ўтган буюк даҳолар салоҳияти, маданий бойликлар, илмий-маънавий мерос ва бошқалар шулар жумласидан. Улар орасида, айниқса, аждодлар маънавий мероси алоҳида тенгсиз хазинадир. Зеро, мазкур хазина нафақат ўз даврининг ютуғи, балки авлодларнинг келгусидаги маънавий салоҳиятига мустаҳкам замин бўлиши билан ҳам характерлидир. Асрлар давомида бойиб келган ўзбек халқининг мазкур хазинаси бу каби бебаҳо дурларга тўла эканини жаҳон халқи эътироф этади. Шубҳасизки, Амир Темур Тарағай Баҳодир ўғли Кўрагоний мазкур хазинанинг бебаҳо дурларидан биридир.

Ҳозирги ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида аждодларимизнинг ибратли ҳаётларини таништириб бориш нақадар муҳим эканлиги ахборотнинг замонамиздаги глобаллашуви жараёнида янада кўзга ташланиб бормоқда. Чунки ахборотни етказувчи воситаларнинг ўта юксалиб, чек-чегарасиз имкониятларга эга бўлиши уни қабул қилувчига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир ўтказиши маълум. Жумладан, ёшлар тасаввурига миллий менталитетимизга, ўзлигимизга мос келмайдиган, ҳатто уни инкор этувчи «қахрамонлар» образининг тикиштирилаётгани сир эмас. Лекин буюк аждодларимизнинг тенгсиз ибрати, алал-оқибат, ҳар қандай ёт туйғунинг авлодлар камолотида акс этишига йўл бермаслиги шубҳасиз. Бунинг учун эса ўз қахрамонларимиз, ўз ибратимиз бўлиши зарур. Шу ўринда Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёт йўли ва бой тажрибаси ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби вазифасини ўтайди.

Бўлғуси Соҳибқирон 1336 йил 9 апрелда Кеш (Шаҳрисабз) вилоятининг Хўжа Илғор қишлоғида дунёга келган. Унинг отаси амир Муҳаммад Тарағай барлос улусига мансуб беклардан, баҳодир жангчи, уламо-ю фузалого ихлосманд, илм аҳлига ҳомий ва иштиёқманд киши бўлган.

Амир Темур ёшлигида хат-савод чиқариб, ўз даврининг тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, меъморчилик ва тарих илмларини ўрганган. Бу ҳақда «Минг тангалик ҳикмат» ривояти фикримизнинг яққол далилидир. Бир куни Амир Темурга отаси бир сурув кўйни Самарқанд бозорида пуллаб келишини топширади. У кўйларни минг тангага сотгач, бозор айланади. Қўлида шеър ёзилган қоғоз тутганича, одамларга ниманидир тушунтираётган қаландарга дуч келади.

– Кимда-ким шу шеърни минг тангага олса, муродига етади, – дер эди у.

Темур иккилашиб ўтирмай, минг тангани беради-да, қоғозни олади.

– Буни отанг олдида ўқи! – тайинлайди қаландар.

Қоғозни келтириб отасига беради. Бу машҳур шоир Камол Хўжандийнинг рубойиси бўлиб, мазмуни қуйидагича экан: «Зулм билан дунёда ном қолдириб бўлмайди. Жамшид, Сулаймон, Искандарлар ўтиб кетди, навбат сенга ҳам етиши тайин. Дунёга келдингми, яхшилик билан ном қолдир».

“Отам роса уришса керак», деб минг бир шубҳа-гумон ўтида титраб турган Темур ногоҳ отасидан шундай сўзларни эшитади:

– Пулни кўп эзгу йўлда сарф этибсан, ўғлим. Энди бу ҳикматга бир умр қаттиқ риоя этиш лозим!

Амир Темур билан суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлган буюк араб файласуфи Ибн Халдун жаҳонгир турк, араб, форс халқлари тарихини, диний, дунёвий ва фалсафий билимларнинг мураккаб жиҳатларигача яхши ўзлаштирганини таъкидлайди.

Амир Темур саройида етти йил яшаган машҳур тарихчи Ибн Арабшоҳ Соҳибқироннинг сурати ва сийратини шундай тасвирлайди:

“Темур баланд бўйли, тик қоматли, кенг пешонали, калласи қатта, бағоят кучли ва салобатли, оқ-қизил юзли, кенг елкали, қадди-қомати келишган, серсоқол, ўнг қўли билан ўнг оёғи захмдор, икки кўзи бамисоли икки шамдай порлаб турадиган, йўғон овозли, улуғлиги ўзига ярашган, қатъий азму қарор билан сўзлайдиган, ҳақгўй киши эди. У зимдан қараш ва кўз ишоратларини сезадиган, идрокли, синчков, ҳар қандай ишоратдан огоҳ киши бўлиб, юз бериши мумкин бўлган ҳамма ишни олдиндан кўриб-билиб турар эди”.

Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятида икки давр яққол кўзга ташланади. Биринчи давр (1360-1385) Мовароуннахрни мўғул хонлигидан озод қилиб, ягона марказлашган давлат тузиш, ўзаро урушларга барҳам бериш бўлса, иккинчи даври (1386-1405) икки йиллик, уч йиллик, беш йиллик, деб аталувчи бошқа мамлакатларга юришлари билан характерланади.

Амир Темур ҳарбий салоҳиятда жаҳонга машҳур саркарда ва ўз замонасининг энг қудратли ҳукмдори бўлиши билан бирга, унинг ҳарбий назарияси ва амалий ҳарбий санъати, тактика ва стратегияси, армия таркибининг тузилиши ўз даврида нодир ҳолат эди. Унинг ҳарбий маҳорати турли йўналишларда – аскарий қисмларни қайта ташкил этишда, душманга ҳужум қилишда турли-туман усуллардан фойдаланишда, ҳужумдан олдин душман жойлашган ерларни обдон ўрганиб чиқишда, шу билан бир қаторда лашкарбоши – қўмондонликда намоён бўлди.

Амир Темур салтанатни идора қилишда устозлари ва уламо-фузалоларнинг маслаҳатларига суяниб иш кўрган. Қолаверса, оғир вазиятларда ҳам алломалар ҳикматларига амал қилиб, шу тарзда муаммоларни бартараф этган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай нақл қилади: «Мен ҳам Хуросонга ёки бўлмаса Туғлуқ Темурхоннинг олдида бориш-бормаслигимни билмай иккилашиб қолдим. Шу ҳол асносида пиримдан маслаҳат сўраб хат ёзган эдим, Ушбу мазмунда жавоб ёзиб юбордилар: «Тўртинчи халифа ҳазрати Али ибн Абу Толибдан, унга Тангрининг қараму марҳамати бўлсин, бир киши сўрабдики, осмонлар – камон, ер – камон ипи, ходисалар (ва офату кулфатлар эса) – ўқ бўлса, инсонлар ул ўқ-ёйларга нишон бўлса, отғувчи – Худойи таоло бўлса, унинг қудрати яна ҳам улуғ бўлсин,

одамлар қаерга ҳам қочадилар? Халифа жавоб қилиб, одамлар Тангрининг қошига қочсинлар, – дебдилар. Шунга ўхшаш сен ҳам Туғлуқ Темурхоннинг олдига қочгил ва қўлидаги ўқ-ёйини тортиб олгил”. Бу жавоб келиши билан кўнглим кўтарилиб, юрагим бундан қувват олди ва Туғлуқ Темурхон қошига боришга аҳд қилдим”.

Ҳақиқатан ҳам, Амир Темур «ё ҳаёт, ё мамот» иборасини дилига жо қилиб, ўлимни бўйнига олган ҳолда Туғлуқ Темурхон даргоҳига боради. Толе ёр бўлиб, Амир Темурнинг ўз хоҳиши билан келганини кўрган Туғлуқ Темурхон унга илтифотлар кўрсатади<sup>1</sup>.

Амир Темур ўз сиёсатида маданият, ободончилик, хунармандчилик ҳомийси бўлиб танилди. Ўз сиёсати билан маданий юксалишга ва туркий тилнинг ривожига кенг йўл очиб, нафақат Марказий Осиёнинг маданий-маънавий оламида, балки бутун мусулмон олами тарихида ўчмас из қолдирди ва минтақа ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Файзиёв Т. Темурийлар шажараси. –Т.: «Ёзувчи», 1995.

## АМИР ТЕМУРНИНГ МОВАРОУННАХРНИ БИРЛАШТИРИШДАГИ РОЛИ

И.ТЎХТАРОВ, Фарғона ВХТХҚТМОИ доценти,  
И.ТЎХТАРОВА, ФарДУ магистранти.

Ўзбек давлатчилиги тарихида фавқуллода муҳим аҳамият касб этадиган Амир Темурнинг тарих саҳнасида чиқиши ғоят мураккаб даврга тўғри келган. Чунки XIV асрнинг 50-60-йилларида Мовароуннаҳрда сиёсий тарқоқлик авж олиб, маҳаллий ҳукмдорлар орасида ўзаро ички низолар авжга чиққан, ихтилофлар туфайли конли урушлар хавфи тобора бутун жамиятни таҳлика исканжасига қамраб олган эди.

Рўй берган сиёсий парокандалик ва инқирозий ҳолат туфайли ҳокимлар ўртасида низолар кескин тус олиб, ўзаро уруш ва жанжалларнинг кучайиб бораётганлиги мамлакатда давлат бошқарувининг издан чиқишига сабаб бўлмоқда эди. Энг хатарли жиҳати шунда эдики, буларнинг барчаси мамлакатда иқтисодий тангликни юзага келтираётган, аҳолининг турмуш даражасини хонавайрон бўлиш томон етаклаётганди. Ана шундай оғир вазият ички норозиликларнинг авж олиши билан бирга, ўлкани осонгина маҳв этган мўғуллар учун ўлкада муқим ҳукмронлик қилиш, юрт бойликларини аёвсиз талон-тарож қилиш учун қулай фурсат ва вазиятни юзага келтирмоқда эди. Жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган Соҳибқирон Амир Темурнинг тарих саҳнасида чиқиши меҳнаткаш халқнинг сиёсий тарқоқликлар туфайли ижтимоий аҳволи ўта ёмонлашган, мўғул истилочиларига қарши ҳаракатлар тобора кескин тус олаётган бир даврга тўғри келди.

Албатта, Амир Темурнинг сиёсат майдонида кадам қўйишида ижтимоий-сиёсий вазият билан бирга, унинг шахсий фазилатлари ва имкониятлари катта роль ўйнаганлигини инкор этиш мумкин эмас. Чунончи, Амир Темурнинг навқирон ёшлик йиллари она юртининг бағрикенг дала-ю даштларида от чоптириб, чавандозлик, жисмоний чиниқиш, мерганлик, ҳарбий ўйин ва машқ сирларини пухта эгаллаш билан ўтганлиги унда ўз юртига нисбатан чексиз меҳр-муҳаббат, ота-боболар ўғитларига садоқат, ватандошлар ор-номуси учун курашиш, юртдошларнинг шаъни ва нуфузини ҳимоя қилишни барча нарсадан устун қўйиш каби хислатлар эгаси бўлган довурак баҳодир бўлиб етишишида ўзига хос замин бўлди.

Амир Темурнинг Мовароуннаҳрни бирлаштириш йўлидаги дастлабки уринишлари XIV асрнинг 60-йилларида бошланди. Айниқса, 50-йилларнинг охирида Мовароуннаҳрда амирлар ўртасида ўзаро низо ва урушларнинг авж олиши оқибатида Амир Қазоғоннинг ўлдирилиши, маълум маънода айтиш мумкинки, бу жараёни анча тезлаштирди. Чунки ушбу воқеалар мамлакатда сиёсий танглик ва парокандаликни авж олдириб, курашаётган томонлар ўртасидаги зиддиятларни янада кескинлаштириб юборди. Ўз ҳукмронликларини мустаҳкамлаш учун тинмай кураш олиб боришга интилаётган Туғлуқ Темур сингари мўғул хонларига қарши кураш халқ ҳаракати тусини ола бошлади. Натижада ҳарбий жиҳатдан анча кучли бўлган мўғулларга қарши бу курашга юрак бетлай олмаётган маҳаллий амирларни бирлаштириш ушбу даврнинг энг муҳим мафқуравий мақсади ва муддаосига айланди. Ана шундай оғир бир шароитда ёш Амир Темур ўз киндик қони тўқилган Кеш музофотида саркардалиқ фольетига фаол кириша бошлади. Бироқ бу даврда Мовароуннаҳрнинг ҳукмдори этиб тайинланган Илёсхўжа билан мураси келиша олмаганлиги боис Амир Темур Амир Ҳусайн билан итифоқ тузиш режасини тузишга қарор қилди. Бу иттифоқ Амир Ҳусайннинг синглиси Туркон Оқога уйланиши оқибатида янада мустаҳкамланди ва дастлаб маҳаллий исёнкор амирларга қарши кураш олиб бориш, кейин эса мўғулларга қарши жангга киришиш истагини уйғотди. Тез орада довурак Темур навқарлари Амударё соҳилларида илк ғалабаларини ҳам нишонлашди. Олиб борилган жангу-жадаллар туфайли эса 1364 йил охирига келиб мўғулларни Мовароуннаҳрдан қувиб чиқаришга ҳам эришилди.

Бироқ ҳарбий қудрати ҳали анча кучли бўлган Илёсхўжа Мовароуннаҳрдан бебаҳра қолиш нияти йўқ эди. 1365 йилнинг баҳорида Туркистон орқали қўшин тортиб Мовароуннаҳрга қайта ҳужум уюштирган Илёсхўжа билан Чиноз яқинида, Чирчиқ дарёси бўйида содир бўлган жанг соҳибқирон Амир Темур ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнади. Кучли жала остида, ботқоққа айланган майдонда бўлиб ўтган бу жанг тарихга «Жанги лой» номи билан қирганлиги барчага маълум. Амир Ҳусайннинг ҳарбий хатолари туфайли бироз устунликка эришган Илёсхўжа Хўжанд ва Жиззахни қўлга киритиб, Самарқанд томон юришини давом эттиради. Бироқ бу кекса шаҳар остоналарида унинг қўшинлари қутилмаганда кучли халқ ҳаракати вакилларининг қаттиқ қаршилигига дуч келишади. Тарихда «сарбадорлар ҳаракати» номи билан донг таратган бу халқ ҳаракати мўғул босқинчиларига қарши қакшатқич зарба бердилар. Асосан деҳқонлар, ҳунармандлардан таркиб топган сарбадорлар Самарқандни душманга қарши кураш маркази ва олиб бўлмас истеҳкомига айлантirdилар. Илёсхўжа эса пировард оқибатда нафақат Самарқанд, балки бутун Мовароуннаҳрни ташлаб чиқиб кетишга мажбур қилинди.

Тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, шундан сўнг Самарқандда бир қатор тартибсизликлар рўй берганлигидан хабар топган Амир Темур билан Амир Ҳусайн 1366 йилнинг баҳорида Самарқандга йўл олишади. Бироқ Амир Ҳусайннинг хиёнатқорона хатти-ҳаракатлари туфайли сарбадорлик ҳаракати шафқатсиз бостирилади ва бу эса унинг Амир Темур билан муносабатларининг кескинлашувига сабабчи бўлади. Очқандан-очиқ низоларнинг авж олиши ва халқ орасида Амир Темурнинг обрў-эътибори ортиб бораётганлигини кўрган Амир Ҳусайн Амир Темурдан йироқроқда бўлишга қарор қилади ва Балхга қайтиб, мустаҳкам ўрнашиб олиш чораларини кўришга киришади.

Ана шу тарихида XIV асрнинг 60-йилларида Мовароуннаҳрда юзага келган мураккаб ва оғир сиёсий ва иқтисодий вазият мамлакатни бирлаштириш ва кучли марказлашган давлат тузиш муаммосини кун тартибига қўндаланг қилиб қўяди. Бу муаммони Амир Ҳусайндан кўра анча теранроқ англаб етган Амир Темур Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тузишга жиддий эътибор қаратишга киришади. Ушбу мақсадга эришиш учун Амир Темур асосан савдогарлар, ҳарбийлар, руҳонийлар ва ҳунармандларга таяниб иш кўришни афзал деб билади. Тарқоқ мамлакатни бирлаштиришни эса ички душманларга қарши курашдан бошлашни маъқул кўради. Табиийки, ушбу мақсадга

эришиш учун Амир Темурга асосий рақиб қайноғаси Амир Ҳусайн эди. Жангга пухта ҳозирлик қўриш ва уни қўллаб-қувватловчиларнинг тобора ортиб бориши эвазига 1370 йилнинг 10 апрелида Балх шаҳри Амир Темур томонидан таслим қилинади, Амир Ҳусайн эса асир олиниб, қатл қилинади. Унинг хотинларидан бири Сароймулкхонимни Амир Темур ўзининг никоҳига олади. Натижада бу даврда урф бўлган мўғул одатларига биноан, хон қизига уйланган Амир Темур исмига «Кўрагон», яъни «хоннинг куёви» шарифи қўшиб ёзиладиган ва айтиладиган бўлади. Эртаси кунёқ эътиборли беклару амирлар, туман зодагонлари-ю хонзодалар, ёшликдаги қуролдошлару собиқ душманлар ҳамда соҳибқироннинг пиру-устози сифатида унинг кейинги фаолиятида жуда катта таъсир кучига эга бўлган Саййид Барақа иштирокида бўлиб ўтган қурултойда Амир Темур Мовароуннаҳр амири деб эълон қилинади ва унинг ҳукмдорлиги тўлиқ тан олинади.

## АМИР ТЕМУРНИНГ ИЖТИМОЙИ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

А.ҒОҒУРОВ, иқтисод фанлари доктори, профессор

Жаҳоннинг машҳур ва нуфузли шахслари орасида, ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, кучли, иқтисодий ва сиёсий, бақувват марказлашган давлат асосчиси, илм-фан, маданият, маърифат ҳомийси сифатида Амир Темури фаолият юритган. Амир Темурининг болалиги, оилавий муҳитнинг таъсири, атрофдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва маданиятга зўр қизиқиш руҳида ўтади.

Буюк инсонпарвар ва ўз она Ватанини севиш туйғуси Амир Темурида ўрта асрдаги уйғониш даврининг бошқа улуғ зотлари сингари, бутун ҳаёти билан, ҳақиқий инсон манфаатига қандай хизмат қилиш лозимлиги жиҳатидан мукамал таркиб топган эди. У ўз давридаги ноҳақликка, адолатсизликка қарши шиддатли курашди, амалдорларнинг таъмағирликларини фож этди. Ижтимоий ёрдамга муҳтож, ожиз инсонларни ўз ҳимоясига олди. Амир Темури ёшлигидан Қуръони каримни яхши билган. Унинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалаларни адолатли ва тўғри ҳал этишга интилиши, барча қавмларга бир хил муносабатда бўлиши, ҳеч бирини камситмаслиги унинг адолатпарварлиги ва одиллиги намунаси.

Ибн Арабшохнинг ёзишича, Амир Темури ўз ва давлат маблағлари ҳисобидан шаҳар ва қишлоқларда кўплаб мадрасалар, рабат, масжид, хонақоҳ, ҳаммом, йирик сув қурилиш иншоотлари ва ҳовузлар қурдирган.

Таъкидлаш жоизки, Амир Темури умри давомида бунёдкорлик билан машғул бўлган. Унинг «қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ғишт қўйдирдим, бир дарахт кесдирсам, ўрнига ўнта кўчат экдирдим» деган сўзлари бунинг яққол далилидир. Амир Темури ҳар бир зафарли воқеани, секинчи ҳодисани муҳташам меъморчилик обидаси қуриш билан нишонлашни одат қилганди. Шу мақсадда Ҳиндистон, Шероз, Исфаҳон, Дамашқ каби мамлакатларда иморату-иншоотлар бино қилдирган. Бағдод, Дарбанд, Байлақон каби шаҳарлар қайтадан қурилган.

Туркистонда машҳур шахс Аҳмад Яссавий қабри устига мақбара қурдирган бўлса, ўзи туғилиб ўсган Кеш ва пойтахти Самарқандда кўплаб бунёдкорлик ишларини амалга оширган. Кешда отасининг қабри устига мақбара, ўғли Жаҳонгирга мақбара билан масжид қурдирган. Ҳукмдорлигининг илк давридан бошлаб Кеш, Самарқанд, Бухоро каби шаҳар ва қишлоқдаги ободончиликларга катта аҳамият берган.

Ибн Арабшохнинг ёзишича, Амир Темури Самарқанд атрофида қад кўтарган бир қанча қишлоқларни қурдириб, уларга Шарқнинг машҳур шаҳарлари Дамашқ, Миср, Бағдод, Султония, Шероз, Фориш номларини берган. Соҳибқироннинг фикрича, Самарқанд катталиги, гўзаллиги ва теварак-атрофнинг ободлиги жиҳатидан дунёдаги энг йирик шаҳарлардан ҳам устунроқ турмоғи лозим эди.

## АМУР ТЕМУР – БУЮК ИСТЕЪДОД СОҲИБИ

М.ПАЯЗОВ, Фарғона ВХТХҚТМОИ кафедра мудир,  
иқтисод фанлари номзоди.

Ибн Арабшоҳнинг тарихий асари Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганишда муҳим манбадир. Бунда Соҳибкироннинг ёшлиги, ота-онаси, тенгқурлари хусусида, умумий бўлса-да, керакли маълумотлар мавжуд. Чунончи, «У, – деб ёзади Ибн Арабшоҳ, – ёшлигидан ақлли, очиккўнгил, журъатли, кучли ва қобилиятли бўлиб ўсди. Тенгқурлари – вазирларнинг ўғиллари билан суҳбат қуради ва амирларнинг ўғилларидан ўзига ўхшашлар билан вақтини ўтказарди.... Она тили – турк тилидан ташқари, форс тилини яхши билар эди».

Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида шундай дейилади: «... Баъзи бир тарихий китобларда айтилишича, Кеш шаҳри қадим айёмларида исломнинг буюк уламолари йиғилдиган жой бўлган... Уларнинг барчасига дарс ўтишлари учун жой ажратилганди. Шунинг учун ҳам Кеш шаҳрига «Қуббат-ул-илм ва-л-адаб» (илму адаб қуббаси) деб лақаб берилган». Бу эса Соҳибкироннинг тарбия олиши, саводли, билимдон, замонасининг етук кишиси бўлиб етишишида катта имкониятлар мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Амир Темур ёш бўлишига қарамасдан, мулоҳазаларининг чуқурлиги, мазмундорлиги билан кўпинча катталарни лол қолдирарди. Француз шарқшуноси Л.Ланглэнинг «Темур ҳаёти» номли асарида шундай дейилади: «Унинг ўйинлари гўё жанг майдонидек ўтарди. Унинг танаси кун сайин мустаҳкамланиб, онги ҳам ниҳоят даражада тараккий этиб борди, унда муҳим лойиҳалар вужудга кела бошладики, бу дўстларини ҳаяжонлантирар эди».

Амир Темур мадрасанинг бошланғич даврини муваффақиятли тамомлаганидан сўнг ҳам таълимни давом эттирди. Сўнг олий тизимда таҳсил олади. Бу ҳақида В.Череванский куйидагиларни ҳикоя қилади: «Темур шу ерда қурраи заминни айланса етти иқлим ва етти осмондан иборат эканлигини хабар топади». Олий маҳадда уламои фозиллар боланинг истеъдодига тан берадилар... «Темур бу ерда унча-мунча талабалар узоқ ўйга чўмиб муҳокама қилдиган масалаларни зумда ечимини топар эди».

Шунингдек, у жаҳон воқеаларини, подшоҳлар, уларнинг сулоалари тарихини яхши билган.

«Темур, – дейди Ибн Арабшоҳ ўз асарида, – тарих (китоб)лари, худонинг раҳмати саломи бўлғур анбиёлар қиссаларини, подшоҳлар сийратлари ва ўтган салафлар ҳақидаги ҳикояларни доимо – сафарда ҳам, хатарда ҳам уқиб, қунт билан тинглади эди... Темур у (ҳикоят)лар жиловини қўлга олиб, батамом ўзлаштириб, гўё ўз мулки мисоли қилиб олган эди. Бу шу даражага бориб етгандики, агар ўқийдиган киши бирор хатога йўл қўйса, Темур унинг хатосини тузатиб, саволга соларди». И.Мўминов Али Яздийнинг «Зафарнома»сига таяниб, Темур саройи бош девонида «Манзумаи турк» асарининг тузилганлиги ҳақида маълумот беради. «...Ушбу асар ёзилаётганида, – дейилади И.Мўминовнинг рисоласида, – унинг парчаларини Темур неча марта марталаб ўқиб чиққан; баъзи жойларини тузатган, таҳрир этган, қўшимча далиллар зарур бўлиб қолганида ўша воқеа содир бўлган ерларга одамлар юбориб аниқлаштирган; воқеаларнинг доимо тўғри, хронологик тартибда ҳамда тарихий ҳақиқатга мос равишда ёритилишини талаб қилган».

Амир Темур эл-юртни ўз туғи остига бирлаштира олди, марказлашган йирик давлатга асос солди. Бу билан зироатчилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратди. Бугун «Темур ва темурийлар давлати», «Темурийлар маданияти», «Улугбек ва Самарқанд астраномия мактаби», «Навоий» ва «Бобур» каби қутлуғ сўзларни бутун дунё халқлари тарихи саҳифаларида учратар эканмиз, унинг замирида Амир Темурнинг улкан хизматлари мужассамлигини ҳис этамиз.

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА АМИР ТЕМУР ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Р.АРСЛОНЗОДА, тарих фанлари номзоди, ФарДУ.

Соҳибқирон Амир Темур Ўрта Осиё ва жаҳон тарихида ёрқин из қолдирган сиймолардан биридир. Кўп тарихчилар уни ҳақли равишда Искандар Зулқарнайн, Буюк Карл, Наполеон Бонапарт сингари буюк саркардалар, давлат арбоблари билан бир қаторга қўйишади. Шунинг учун ҳам ҳамма замонларда Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига қизиқиш катта бўлган.

Амир Темур ҳақидаги дастлабки асарлар Соҳибқирон ҳаётлик чоғидаёқ ёзилган эди. Жумладан, Низомуддин Шомийнинг «Зафарнома» асари Темур вафотидан уч йил олдин, 1402 йилда ёзиб тугатилган. Ўша вақтдан бошлаб ҳозирги кунга қадар ҳам Шарқ, ҳам Ғарб мамлакатларида у ҳақида кўплаб асарлар ёзилди ва ёзилмоқда.

Таассуф билан таъкидлаш лозимки, собиқ совет даврида Ўзбекистонда унинг ҳаёти ва давлатчилик фаолияти деярли ўрганилмади. Чунки совет жамиятида ҳукмрон бўлган коммунистик мафкура ҳамда ўтмишни ўрганишда совет тарихчилари учун дастуриламал вазифасини бажарган унинг синфийлик ва партиявийлик тамойиллари Темурнинг тарихдаги ўрнини ҳолисона тарзда ёритишга йўл қўймади. Коммунистик таълимот ўтмишдаги барча ҳукмдорларни, шу жумладан, Амир Темурни ҳам фақат салбий қахрамон сифатида, «эксплуататор синфларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи» босқинчи ва золим қиёфасида тасвирлашни талаб этарди.

Совет даврида Соҳибқироннинг тарихдаги ўрнига ҳолисона баҳо беришга уринган олим академик Иброҳим Мўминов бўлди. Унинг 1968 йилда эълон қилинган «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида туганган ўрни ва роли» номли рисолида, Соҳибқироннинг қўшни мамлакатларга қилган истилочилик юришлари инкор этилмаган ҳолда, унинг юрт ободончилиги, илм-фан ва маданият равнақи йўлида қилган хизматлари эътироф этилган эди. Мустақил тузум даврида бу ҳеч қандай муболағасиз олимнинг илм ва ҳақиқат йўлидаги маънавий жасорати эди. Таниқли олим расмий совет тарихшунослиги қолипига сиғмаган ушбу фикрлари учун турли тазйиқларга дучор бўлди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилингандан сўнг вазият тубдан ўзгарди. Президентимиз ташаббуси билан Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг тарихимизда туганган ўрни объектив тарзда ўрганила бошланди. Юртбошимизнинг Амир Темурга бағишланган «Эҳтиром», «Амир Темур – фахримиз, гуруримиз», «Соҳибқирон камолга етган юрт», «Адолат ва қудрат тимсоли» каби нутқ ва маърузалари Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятини янгича ёндашувлар асосида ўрганишда методологик йўлланма бўлиб хизмат қилди. Мустақиллик йилларида Амир Темурнинг серқирра фаолиятини ўрганиш борасида кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилди. Таниқли тарихчи олимлар ва ёш тадқиқотчилар Соҳибқироннинг ҳаёт йўлини ҳолисона ёритиш борасида жонбозлик кўрсатдилар. Бунинг натижаси ўларок, сўнгги чорак аср мобайнида Ўзбекистонда темуршунослик борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди.

Авваламбор, Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятини ўзида акс эттирган асл манбалар, яъни Темур ва Темурийлар замонида яратилган тарихий асарлар ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Низомуддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийларнинг «Зафарнома»лари, Аҳмад Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал-мақдур фи навойиб Таймур» асари, испаниялик элчи Руи Гонзалес де Клавихонинг «Самарқандга Темур саройига саёҳат кундалиги», асирга тушган немис аскарари Иоганн Шилтбергернинг «Темурланг ҳақида» номли эсдаликлари, Соҳибқироннинг Европа қироллари билан олиб борган ёзишмалари, «Зафар йўли» деб номланган таржимаи ҳоли ва «Темур тузуклари» шулар жумласидандир. Бирламчи манбаларнинг таржима қилиниши ва нашр этилиши Амир Темур тарихига бағишланган тадқиқотларнинг илмий савиясини ошириш имконини берди.

Иккинчидан, истиқлол йилларида бу борадаги илмий тадқиқотлар микёси кенгайиб борди. Айниқса, Соҳибқироннинг 660 йиллик юбилеи муносабати билан сезиларли даражада жонланди. Улар орасида «Амир Темур жаҳон тарихида» номли муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган монографияни алоҳида эслагиб ўтиш лозим. Унда бой материаллар асосида Амир Темурнинг юрт озодлиги учун олиб борган кураши, марказлашган давлат барпо этиши, бу давлатнинг иқтисодий равнақи ва савдо-дипломатик алоқалари, илм-фан ва маданиятнинг тараққий этиши кўрсатиб берилган. Ушбу асар 2001 йилда қайта нашр этилди.

1996 йилда Соҳибқирон юбилеи муносабати билан чоп этилган яна бир асар «Амир Темур ва Улуғбек даври тарихи» номли монографиядир. Унда Темур ва темурийлар даври тарихий манбалари, ушбу мавзуга бағишланган илмий адабиётлар атрофлича таҳлил этилиб, тегишли илмий хулосалар чиқарилган.

Мустақиллик йилларида Амир Темур ва Темурийлар даври тарихини ўрганишга бағишланган академик Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур (ижтимоий-сиёсий фаолияти)» (1996), Р.Муқминова ва Г.Пугаченковалар ҳамкорлигида ёзган «Амир Темур» (1999) номли асарларни алоҳида таъкидлаш керак. Таниқли тарихчи олим Асомидин Ўринбоев Али Яздий «Зафарнома»сининг илмий-танқидий матнини нашр этиш борасида катта хизматлар қилди. Бундан ташқари, у «Амир Темур даври тарихий асарларида Соҳибқирон шахси ва фаолиятига берилган баҳо» номли мақолисида унинг тарихдаги ролини бирламчи манбаларга таянган ҳолда ҳолисона ёритди.

Амир Темур тузган салтанат тарихини ўрганишда О.Бўриевнинг ҳам ҳиссаси салмоқли. У XV аср тарихий географиясига бағишланган «Темурийлар даври тарихий манбаларида Марказий Осиё» номли китобини нашр эттирди. Темурийлар сулоласи шажарасини ўрганган олим Т.Файзиев кўплаб тарихий манбалардаги маълумотларга таяниб ёзган «Темурий маликалар» ва «Темурийлар шажараси» номли китобларида 300 дан ортиқ темурий маликалар ва 192 нафар темурийзодаларнинг тақдирига аниқлик киритди. Шарқшунос олим У.Уватов Амир Темур тўғрисидаги араб тилидаги манбаларни тадқиқ этиб, 1996 йилда «Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида» номли китобини эълон қилди. Бундан ташқари, Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал-мақдур фи навойиб Таймур» асарини ўзбек тилига ўгириб, нашр эттирди. Таниқли шарқшунос олима Д.Юсупованинг темурийлар даврида маориф ва маданиятнинг равнақи масалаларига бағишланган мақолалари ҳам диққатга сазовордир.

Умуман олганда, 2010 йилда нашр этилган охириги фихристонда кўрсатилишича, мустақиллик йилларида Амир Темур тарихига бағишланган манбалар, тўпламлар ҳамда илмий тадқиқотлар (монографиялар, илмий мақолалар)нинг умумий сони 350 дан ошиб кетди.

Мустақиллик йилларида ўзбек китобхонларини хорижлик тарихчиларнинг Амир Темур ҳақидаги асарлари билан таништиришга эътибор берилди бошланди. Қатор асарлар ўзбек ва рус тилларига таржима қилиниб, нашр этилди. Турк олими Исмоил Аканинг «Буюк Темур», инглиз олимаси Хилда Хуккемнинг «Етти иқлим султони», француз олими Люсьен Кэреннинг «Амир Темур салтанати» номли асарлари шулар жумласидандир. Ушбу хорижий тадқиқотчилар Соҳибқироннинг тарихда тутган ўрнига тўғри ва холисона баҳо беришга ҳаракат қилганлар.

Истиқлол йилларида Амир Темур ҳаёти ва фаолияти, унинг тарихдаги ўрнини янгича ёндашувлар асосида ўрганишга Фарғона давлат университети тарихчи олимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Жумладан, М.Жабборовнинг «Туркестанский сборник» саҳифаларида Амир Темур сиймосининг ёритилиши» номли илмий маърузаси (1996), ҳамкасблари – Р.Арслонзода, Ҳ.Раҳматиллаев ва А.Шарафиддиновлар билан ҳамкорликда ёзган «Образ Амира Тимура на страницах «Туркестанского сборника» номли мақоласини эътироф этиш лозим. Уларда Соҳибқироннинг тарихдаги улкан роли XIX аср Россия ва Ғарбий Европа олимлари томонидан эътироф этилганлиги эслатиб ўтилди.

Шунингдек, Б.Усмоновнинг «XVIII-XIX асрлар Россия тарихшунослигида Амир Темур ҳаёти ва давлатчилик фаолиятининг ёритилиши» мавзусидаги номзодлик диссертациясини, 2011 йилда нашр этилган «Россия тарихшунослигида Амир Темур сиймоси» номли монографияси ҳам қатта аҳамиятга эга. Муаллиф рус тарихчи олимлари В.Н.Татищев, Н.М.Карамзин, Т.Н.Грановский, С.М.Соловьёв, М.И.Иванин, В.Череванский, В.В.Бартольд, А.Ю.Якубовский, Л.М.Строева, А.П.Новосельцев ва бошқаларнинг Амир Темурнинг тарихдаги ўрнини илмий идрок этишда эришган ютуқлари ва йўл қўйган камчиликларини таҳлил этади, уларнинг ушбу муаммони ўрганишга қўшган ҳиссаларини кўрсатиб ўтади.

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятини объектив тарзда ўрганиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилди. Натижада Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятининг турли қирраларини ёритиб берувчи талай илмий мақолалар, рисола ва монографиялар нашр этилди. Буларнинг ҳаммаси тарихий адолатнинг қарор топиши ва халқимизнинг ҳаққоний тарихини тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

## АМИР ТЕМУРНИНГ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН

М.ТЛЕУМУРАТОВ,  
Ажиниёз номидаги Нукус ДПИ профессори,  
тарих фанлари номзоди,  
З.Т.ЛЕУМУРАТОВА, Нукус ДПИ ижтимоий фанлар  
кафедраси ўқитувчиси.

Амир Темур давлат арбоби, ҳукмдор, саркарда сифатида дипломатия санъатига ҳам эга бўлган шахс ҳисобланади. Соҳибқирон енгилмас куч-қудратга эга бўлишига қарамай, халқаро муносабатларда дипломатиянинг самарадорлигига жуда ҳам ишонган.

Амир Темур ҳукмронлик қилган даврда марказий маъмуриятда девонбеги, арқбеги ва тўрт вазир турган. Бошқарув икки идорадан – даргоҳ ва вазирлик (девон)дан иборат эди. Даргоҳни олий ҳукмдор бошқарган, девонларни бошқариш олий девон зиммасида бўлган. Олий девон бош вазир, ҳарбий вазир, мулкчилик ва солиқ ишлари вазири, молия вазиридан иборат бўлган. Вазирлар солиқлар йиғиш, мерос ишлари, аскарлар маоши ва уларни озиқ-овқат билан таъминлаш, сарой харажатларига оид ишларни бажарганлар.

Марказий ҳокимият тизимида – шайхулислом, қозикалон, қозияхдол, қозияскар, садр аъзам (вақф ерлари), додхоҳ, эшиқоға, сарой вазири, ясовул қадоқчи, тавочи ва бошқалар бўлган. Шунингдек, даргоҳда бош ҳожиб, хазинабон, қушчи, баковул, қошиблар, табиблар, шоирлар, созандалар бўлган. Амир Темур давлат бошқарувида ўз яқинларига суянган.

Амир Темур давлатининг энг кўзга кўринган томони шундаки, соҳибқирон кичик бир вилоят доирасида тарбия топган бўлса-да, давлат мафқурасининг бошқарув таянчи кучли ҳокимият эканлигини тушунди ва давлат салтанат ишларини юзага чиқаришда камчиликка йўл қўймайдиган вазирларни танлашга ҳаракат қилди. Амир Темур, вазир тўртта сифатга эга бўлиши лозим, деб ҳисоблаган: биринчиси – аслик, иккинчиси – ақл-фаросат, учинчиси – сипоҳи-раъият аҳлидан хабардорлик, тўртинчиси – сабр-чидамлилик.

Француз олими Альфонс Де Ла Марти Амир Темур давлатига шундай таъриф берган: «Европа на Искандарда, на Атиллада ва на Масковияда зафар кучган, янги фотиҳ Наполеондан адолатли қонунлар асосига қурилган бундай бошқарувни бунёд этган эмас».

«Давлат ишларини... – деб ёзади Амир Темур ўзининг тузукларида, – салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим... ва тузукка таяниб салтанатда ўз тартибим ва мақомимни мустаҳкам сақлаб қолдим».

Амир Темур тузган давлат барча ижтимоий табақаларга суянган ва қонун асосида бошқариладиган янги бир давлат эди. «Салтанатим биносини, – деб ёзади Амир Темур, – дини ислом, тўра ва тузук (қонун-қоида) асосида мустаҳкамладим. Салтанатимни бошқаришда учраган ҳар қандай ишни тузукка биноан қилдим».

Амир Темур давлатни бошқаришда, унинг ички ва ташқи сиёсатини белгилашда, халқ оммаси, мансабдор шахслар, олим-у фузалолар, ислом раҳнамоларига муносабатда тафаккурга, китобга ва энг сўнгги чора сифатидагина қиличга асосланиб иш юритди, ҳукм чиқарди. У Европа ва Осиё ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли ишларни амалга оширди. Соҳибқирон дунёнинг турли мамлакатлари билан алоқалар ўрнатди: бир тарафдан – Хитой, Ҳиндистон, иккинчи тарафдан – Франция, Англия, шунингдек, Усмонлилар империяси, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар.

У давр шарт-шароитларига кўра, ташқи сиёсатдан қатъий фаол ҳаракат қилиб, ўз салтанати довруғини жаҳон миқёсга чиқара олди. Ўз давлати шухратини Европага ёйди. Унинг салтанати довруғи Европага етиб бориши билан Франция, Англия, Германия ва Византия каби давлатлар қироллари соҳибқирон билан сиёсий, иқтисодий, савдо алоқаларни ўрнатишга интиланлар ва Амир Темур ҳузурига мунтазам элчи юбориб турганлар. Амир Темур чет давлатлари билан дипломатик алоқалар олиб боришда унга ўғли Мироншоҳ кўп ёрдам берган.

Амир Темур савдо-иқтисодий муносабатлар орқали халқлар ва мамлакатлар орасида ягона макон яратишда мисли қўрилмаган ютуқларга эришди. У Испания қироли Генрих III, Франция қироли Карл IV, Англия қироли Генрих саройларига элчилар йўллади; айна пайтда ўз саройида испан, француз, инглиз, хитой ва бошқа хорижий мамлакатларнинг элчиларини қабул қилди.

Демак, Амир Темур буюк давлат арбоби ва юксак маънавиятга эга бўлган доно ҳукмдор бўлиб, ҳам сиёсий, ҳам маънавий жиҳатдан жуда катта тарихий аҳамиятга эгадир.

Хулоса қилиб айтганда, Темурийлар даври илм-фан, маърифат, маънавият ва маданияти жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Бунда улуғ бобомиз, давлат арбоби, саркарда соҳибқирон Амир Темурнинг хизматлари беқиёс ва беназирдир.

Ота-боболаримиз, хусусан буюк давлат арбоби, маърифат ҳомийси, юксак маънавият эгаси Амир Темур ва унинг авлодлари қолдирган мероси бугунги кунда халқимиз учун руҳий-маънавий покланиш ва миллий ўзликни англашнинг туганмас чашмасидир.

## ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА ШАРҚОНА ДЕМОКРАТИЯ

У. СОБИРОВА, Фарғона ВХТХҚТМОИ катта ўқитувчиси

Биз яшаётган замин қадим – қадимдан маданият ва зиё маскани бўлиб, халқимиз бой маданий меросга, юксак қадриятларга эга халқдир. Мустақиллик – Ўзбекистон халқига кенг имкониятлар очиб берди. Ўзбекистон мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш унинг умумбашарият тан олган маънавиятини тиклаш ва янги давр талаблари асосида юксак даражага кўтариш бугунги куннинг долзарб мавзуларидан биридир. Бу эса жамиятимиз, халқимиз олдига миллий мафкурамизни янада ривожлантириш, аجدодларимиз яратган бебаҳо маънавий ва маданий мерослардан куч олган ва умумбашарий тажрибаларга таяна оладиган шахсларни тарбиялашдек буюк вазифаларни юклайди. Бу муҳим вазифа ўзбек давлатчилиги тарихини чуқур, илмий ўрганишни, тарихий меросимиздан фахр туйғусини уйғотишни талаб этади.

Аввало ўтмишга назар ташлаб, бу она заминимиз тарихига улкан ҳисса қўшган улуғ бобоколониимиз Амир Темур, жаҳонга машҳур бўлган мутафаккирларимиз Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Форобий, Фарғоний, Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Улуғбек ва Бобурларнинг буюк хизматлари ва кашфиётлари, илмий меросларини чуқур ўрганишни тақозо этади.

Ана шундай буюк сиймолардан бири Соҳибқирон Амир Темурнинг тарих саҳнасида қолдирган изи буюк Ўзбекистонни дунёга танитишда улкан ҳисса ҳисобланади. Амир Темур ҳар томонлама бой мерос қолдирган, бутун жаҳон эътироф этган буюк давлат арбобидир.

Таниқли тарихчи В.В.Бартольд, Б.Аҳмедов, А.Аҳмедов сингари шарқшуносларнинг асарларида Амир Темур ибн Муҳаммад Тарағай 736-сичқон йили, шаъбон ойининг 25-кунида (милодий 1336 йил 9 апрель) Хўжа Илғор қишлоғида туғилгани айтилади. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Зухра ва Муштарий юлдуз буржларининг ўзаро яқинлашиши 800 йилда бир марта юз бериб, бу вақтда улуғ инсонлар туғилар эмиш. «Зафарнома»да таъкидланишича, уч чақалоқ, яъни Искандар Зулқарнайн, Муҳаммад алайҳиссалом ва Амир Темур худди шундай пайтда дунёга келган.

Темур салтанатини бошқаришда вазирлар муҳим роль ўйнаган. Шу боис ҳам Соҳибқирон уларни танлаш ва тайинлашга жиддий эътибор берган. У тўрт вазир ўрнини жорий этган бўлиб, биринчи вазир зиммасига ер солиқлари, бош, ўлпон, солиқ ундириш, мироблар ишини бошқариш ишлари юклатилган.

Иккинчи вазир сипоҳ ишларини мутасаддиси эди. Учинчи вазир эгасиз қолган ер ва мол-мулклар, келиб кетувчи савдогарлар, улардан олинадиган закот ва боғларни ундириш ишлари билан шуғулланганлар. Тўртинчи вазир салтанат ишларини юритувчи бўлиб сарой ҳаракатларидан воқиф бўлган.

Темур давлатида арзбеги лавозими жорий этилган бўлиб, давлат кенгашида унинг роли алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Унинг вазифаси арз билан келганларни тинглаб одилона, адолатли ҳал қилишдан иборат бўлган. Одилона ҳал қилиш айбдорларни қонун асосида жазолашни талаб этган.

Юқоридаги далиллардан хулоса қилиб айтганда, унинг ҳокимиятида фуқароларга адолатли муносабатда бўлиш билан бирга, демократик тамойилларнинг ўша даврдаги типик кўринишини англаш қийин эмас. Ҳатто молиявий масалаларда ҳам қатъий тартиб ўрнатилган. Биз ҳозир зўр бериб интилаётган даромад солиғи деган нарса унинг ҳокимиятида ўшандаёқ мавжуд бўлган.

Темур амалдорларидан иш юритаётганда қонун ва адолатга бўйсинишни талаб қилган. Қамчи ва таёк ишлатишни қатъий тақиқлаган.

Темур – пири Тайободий унга ҳадя қилган узукда форсча «русто-рости» деб ёзилган бўлиб, унинг маъноси «Куч – адолатда» эди. Кўҳна тарихимизнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур бутун умри давомида пирининг шу ҳикматига амал қилди. Ўз давлатини одилоналик ва адолат билан бошқарди. Бундай одилона ва адолатли ҳукмдорлик фақат Темурга хос эди.

Амир Темурнинг давлат тузилишида, унинг одилона бошқарув тизимида эса қонун устуворлигини жорий этилиши ҳуқуқий давлат белгиларига мослигини қайд этиш мумкин. Чунончи арзбеги лавозимининг қоидалари, қайсики фуқаролар шикоятини зимдан ўрганиш, одилона ва адолат билан ҳал қилиниши, бугунги кунда давлат ҳокимиятининг бўлиниш тамойилига асосан жорий этилган суд ҳокимиятининг адолатли фаолиятига мос ва хос деб айтиш айни ҳақиқат бўлар эди.

## СОҲИБҚИРОН САЛТАНАТИНИНГ ҚУДРАТИ

Л.БЕГИМҚУЛОВА, Фарғона ВХТХҚТМОИ ўқитувчиси

XIV асрнинг 60-йилларида Мовароуннаҳрда ҳукм сурган оғир сиёсий ва иқтисодий вазият мамлакатни бирлаштириб, кучли бир давлат ташкил этишни талаб қилмоқда эди. Амир Темур ўз замонининг бундай талабини бошқа амирларга нисбатан яхшироқ тушунарди. Шунинг учун ҳам у марказлашган давлат тузишга киришди. Бундай мақсадни амалга оширишда рухонийлар, ҳарбийлар, савдогарлар ва шаҳар хунармандлари табақаларига таянади. Амир Темур бу улкан мақсадини рўёбга чиқариш учун аввало ички ғанимларга қарши курашдан бошлайди.

Амир Темур давлатни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга киришади. У 1370-йил, июл ойида Самарқандда қурултой чақиради. Қурултойга Шибирғон ҳокими амир Зинда Чашмадан бошқа Мовароуннаҳрнинг барча амирлари ва қабила бошлиқлари тўпланадилар. Икки дарё оралиғида яшовчи турк-мўғул қабила бошлиқлари, барча амирлари Амир Темур ҳокимиятини тан оладилар. Самарқанд эса давлат пойтахти деб эълон қилинади.

Амир Темур мамлакатда қонун тартиб ишларини жорий этади. Махсус қўшин тузиб, унга катта имтиёзлар беради. Амир Темур йирик ҳарбий бўлинмаларнинг бошлиқлари этиб Жоку, Сайфуддин, Аббос, Искандар, Аълам Шайх, Ардашер қавчин ва бошқаларни тайинлади. Тажрибали ҳарбийлар сипоҳўларликка тайинланди. 1370-йилдаёқ Шибирғон бўйсундирилди. Зинда Чашм Амир Темур хизматига ўтди.

Амир Темур шарқий ҳудудларни мўғуллар таъсиридан озод этиш учун Шарқий Туркистон томон бир неча марта юриш қилиб, Мўғилистон хонларига зарба бериб, Фарғона водийси ҳудудларини, Ўтрор, Ясси (Туркистон) ва Сайрамни ўз тасарруфига олди. Ҳисор, Бадахшон, Қундуз каби вилоят амирлари ҳам Амир Темур ҳокимиятини тан олиб, унга бўйсундилар. 1381 йилда Ҳирот, Сеистон, Мозандарон эгалланди. Сарахс, Жом, Қавсия, Сабзавор шаҳарлари ҳам жангсиз Амир Темурга бўйсунди. Шу тариқа бутун Мовароуннаҳр ва Хуросон бирлаштирилди.

Амир Темур салтанати билан Олтин Ўрда хонлиги орасида бу даврга келиб мустақил Хоразм давлати қарор топган эди. Хоразм мўғуллар даврида икки қисмга ажралиб, маркази Урганч шаҳри бўлган Шимолий Хоразм Олтин Ўрдага, маркази Кат қалъаси бўлган Жанубий Хоразм эса Чигатой улусига бўйсундирилган. XIV асрнинг 60-йиллари охирида Олтин Ўрдада юз берган ғалаёнлар вақтида Қўнғирот сўфилари шимолий Хоразмда янги сулоланинг мустақил ҳукмронлигини тиклаб оладилар. Сўнгра Кат ва Хива шаҳарларини забт этиб, Шимолий Хоразм ва Жанубий Хоразм ерларини бирлаштирадилар. Амир Темур эса бутун Хоразмни Чигатой улусининг ажралмас қисми деб ҳисобларди. Шунинг учун у Хоразмни ўз давлатига қўшиб олиш сиёсатини тутди. Амир Темур 1372 йилда Хоразмга юриш қилиб, уни эгаллайди. Амир Темур Хоразмга беш марта ҳарбий юриш қилди, 1388 йилда узил-кесил бўйсундирилди.

Амир Темур 35 йил давомида мамлакатни бошқарди. Ҳиндистон ва Хитойдан Қора денгизга қадар ва Орол денгизидан Форс қўлигига қадар бўлган ғоят катта ҳудудни қамраб олган улкан салтанатни вужудга келтирди. Бундан ташқари, Кичик Осиё, Сурия, Миср ва Қуйи Волга, Дон бўйлари, Балхаш қўли ва Или дарёси, Шимолий Ҳиндистонгача бўлган мамлакатларни ўзига бўйсундирди. У нафақат Мовароуннаҳр ва Туркистонни обод қилди, балки бўйсундирилган мамлакатларнинг шаҳарларини ҳам қайта қурдирди.

## АМИР ТЕМУР ҚЎШИНЛАРИ ТАРКИБИ

Д.ЕТМИШЕВА Ю.ЭГАМБЕРДИЕВА,  
Фарғона ВХТХҚТМОИ ўқитувчилари

Амир Темур қўшинлари Чингизхон қўшинлари каби ўнликлар, юзликлар, мингликлар, туманлар (10 000 ёки 12 000 жангчидан иборат қўшин) ва бошқаларга бўлиниб, уларга ўнбоши, юзбоши, мингбоши ва амирлар бошчилик қилардилар. Амирлар 12 хил даражага бўлинган эдилар. Соҳибқироннинг ўзи бу ҳақда шундай деб ёзганлар: «Салтанатим ишларини, қонун-қоида ва интизомга солиб, салтанатим мартабасига зебу зийнат бердим. Салтанатимни ўн икки тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда иш юргиздим»<sup>2</sup>. Амирлар, турли қабилаларга бошчилик қилиб, бунда уларнинг даражаси қабила томонидан берилган жангчилар сонига боғлиқ бўлган бўлиши эҳтимол.

Амир Темур уруш бошлашдан аввал оддий отлик аскарлар ёки енгил отликлар ҳарбий юриш учун камон, садоқ (ўқ-ёйлар билан) қилич, арра, бигиз, игна, тароқ, арқон, болта, ўқ учун 10 та пойнак, қоп, меш (дарёдан кечиб ўтиш ҳамда сув олиб юриш учун ишлатиладиган чармдан ишланган қоп) ва 2 та отга эга бўлишларини талаб қиларди. Бундан ташқари, ҳар 18 киши кигиздан ишланган ўтов олишлари шарт эди<sup>3</sup>.

Сараланган жангчилар ёки оғир отликлар дубулға, қалқон, қилич, камон ва ўқ-ёйлар билан қуроолланар эдилар. Уларнинг ҳар бири 2 та от ва ҳар 5 киши битта ўтов олишлари шарт эди (5 кишига битта ўтов олишнинг сабаби-сараланган жангчиларнинг қурол-анжомлари кўп жойни эгаллар ҳамда улар махсус хизматкорларга ҳам эга эдилар). Булардан ташқари, гурзи, ойболта, шамшир билан қуроолланган махсус жангчилар бўлинмаси мавжуд бўлиб, уларнинг отлари устига йўлбарс терисидан ёпинчоқ ёпиларди. Бу жангчилар Амир Темурнинг хос навқарлари бўлса керак. Жангчилар қилични чап ёнларида, икки тигли шамширни эса ўнг ёнларида осиб юришлари лозим эди. Ҳар бир ўнбоши зирх (совут), қилич ҳамда камон ва ўқ-ёй билан қуроолланган бўлиб, чодир ва 5 та отга эга бўлишлари керак эди. Юзбошилар 10 та от, ўз ўтовлари, қурооллардан эса қилич, камон ва ўқ-ёй, гурзи, чўқмор ва совутга эга бўлишга мажбур эдилар.

Биринчи даражали амирлар 2 та ўтовга эга бўлиб, биринчиси оддий икки соябонли, иккинчиси эса заррин иплардан тикилиб безатилган бўлиши лозим эди (бу ўтов бошлиқларни қабул қилиш ва зиёфатлар учун мўлжалланган бўлса керак). Улар оддий жангчиларни таъминлашга ҳам етадиган жуда кўп ортикча қурол-яроғ ҳам сақлар эдилар.

Иккинчи даражадан ўн иккинчи даражагача ёки бош қўмондонгача бўлган олий даражадаги амирлар янада кўпроқ қурол-яроғ ва от-араваларга эга бўлишлари зарур эди.

Биринчи амир ўзи билан 110 та отни, иккинчиси 120 та, учинчиси 130 та, тўртинчиси 140 та отни ва ҳоказо, бош қўмондон эса 300 дан кам бўлмаган отни олиб юриши шарт эди. Пиёда аскарларнинг ҳар бири қилич, қалқон, ўқ, сўта олиб юриши керак эди<sup>4</sup>.

Пиёда жанги шамшир, камон ва ўқларга эга бўлиб, жанг олдидан ўқлар сони махсус буйруққа биноан кўпайтирилиши мумкин эди. Тўхтамишга қарши бўлган юришда ҳар бир жангчига 30 тадан ўқ олиш буюрилган эди. Бундан кўрнниб турибдики, булар енгил пиёда аскарлар бўлиб, керак бўлганда кучли қуроолланган отлик аскарлар пиёдаларга айланиши ва оғир пиёда аскарлар ўрнини босишлари мумкин эди<sup>5</sup>.

Оддий жангчилар ҳам ўнбоши ва юзбоши лавозимларига эришишлари мумкин эди. Лекин олий мансабларни эгаллаш учун юзбошилар алоҳида хизмат кўрсатишлари ёки алоҳида қобилиятга эга бўлишлари керак эди. Чунки юқорида қайд қилганимиздек, мингбошилик лавозимига одатда амирлар ва аслзодалар, яъни қабила бошлиқлари ва уларнинг фарзандлари кўтарилиши, мумкин эди. Бинобарин, бу лавозимларга мол-дунёси мадрасаларда ўқиш учун имкон берувчи, сиёсий ҳокимиятга эга, аслзодаларга мансуб олий табақадаги кишилар сайланар эдилар. Амирларнинг 12 даражага бўлиниши эҳтимол уларнинг қўли остидагиларнинг кўп-камлигига боғлиқ эди. Масалан, биринчи даражадаги амир 1000 кишилик отликқа, иккинчи Даражадаги амир 2000 отликқа ва ҳоказо, ўн иккинчи даражали амир 12 000 ва ундан кўпроқ отликқа бошчилик қиларди<sup>6</sup>.

Шундай қилиб, Амир Темур пиёда ва отлик аскарларга эга эди. Пиёдалар енгил қуроолланган бўлиб, жарликлар ва ўрмонлардаги жангларга мўлжалланган, тоғ ва ўрмонлар бўйлаб юрилган кезларда қўшинни қўққисдан бўладиган ҳужумлардан сақлар, қамал пайтида ҳужум қилиш ва бошқа ишларда қўлланиларди. Отлик аскарлар енгил ва оғир қисмларга бўлинган эди<sup>7</sup>. Амир Темурнинг кўплаб жангларида кўринадики, отлик аскарлар баъзида пиёда сафда жанг қилишар, уларнинг маълум қисми бизнинг драгунларимиз каби оғир ва енгил отлик аскарлар ўртасидаги оралик отлик аскарларни ташқил этарди.

<sup>2</sup> «Темур тузуклари», –Т., Ғ.Ғулом номли нашриёт, 1991, 64-б.

<sup>3</sup> Иванов М., Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур, –Т., «Хазина», 1994, 130-б.

<sup>4</sup> Темур қиссаси, –Т., «Фан», 2004, 230-б.

<sup>5</sup> Иванов М., «Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур», 132-б.

<sup>6</sup> Иванов М., Ўша асар, ўша бет.

<sup>7</sup> Иванов М., Ўша асар, 135-б.

## АМИР ТЕМУРНИНГ ЖАНГОВАРЛИК САЛОҲИЯТИ

Ш.ҚОРАБОЕВ, И.ТОШПЎЛАТОВ,  
Фарғона ВХТХҚТМОИ ўқитувчилари

Амир Темур Ўрта Осиёнинг энг йирик лашкарбошиси сифатида тилга олинади. Унинг ҳарбий истеъдоди кўшинларни тузишда ва саркарда сифатида намоён бўлган.

Темур ўз кўшинини Чингизхон кўшинидан фарқли тузган. Темур кўшини ўнлик системаси асосида тузилган, яъни туманлик, минглик, юзлик ва ўнликларга бўлинган эди. Ўтроқ аҳоли Темур кўшинининг асосий қисмини ташкил қилмаса ҳам, унда жуда муҳим, кўчманчилар билан баробар аҳамиятга эга бўлган қисм бўлиб кирарди. XV аср муаллифи Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишига кўра, ҳар бир жангчи ўзи билан бир йилга етадиган озиқ--овқат, 30 та ўки билан камон, совут, найза ва қалқон олган. Ҳар икки отлик аскарда битта захира от, ҳар ўн кишида битта чодир, иккита темир курак, биттадан кетмон, ўроқ, болта, бигиз, юзта игна, битта пишиқ тери ва битта қозон бўлиши керак эди.

Аскарлар юришга чиққан вақтда интизомга қаттиқ риоя қилар эдилар. Ҳар бир бўлинма, туман, кўшин амири ўз ўрнини яхши биларди ва унга қаттиқ риоя қиларди. Айғоқчиликка энг ботир аскарлар танлаб олинарди. Юриш вақтида йўлбошчилар алоҳида муҳим рол ўйнарди. Темур йўлбошчиларни кўшинлар ўртасида одатда ўзи тақсимлаб берарди.

Юриш пайтида йўлларда тўхташга тўғри келарди. Агар қароргоҳ душманга яқинроқ жойда жойлашган бўлса, унинг атрофига ҳандақлар қазилар ва мудофаа иншоотлари – туралар (миноралар) ёки катта-катта ҳандақ қалқонлар ўрнатиларди. Темур кўшинни жанг олдидан жойлаштиришга ҳам моҳир эди. Бу жиҳатдан Темурнинг 1365 йилда Илёсхўжа кўшинлари билан қилган жанги диққатга сазовордир. Темур ўз кўшинини жанг майдонининг марказига, ўнг ва чап қанотига жойлаштирган. Уларнинг ҳар бирида кўшимча аскарий кўшилмалар – «канбул» деб аталган қанот кўриқчилари ва авангарди бўлар эди. Шу тариқа кўшин етти қисмдан иборат бўлиб, булардан учтаси мустақил, тўрттаси (икки авангард ва икки канбул) тобе эди. Кўшин бундай жойлаштирилишининг характерли томони шунда эдики, унинг марказий қисми қанот қисмларига қараганда заиф, марказий қисмининг авангарди ҳам, резерви ҳам йўқ эди.

Кўшинда фақат отлик аскарларгина эмас, балки пиёда қисмлар отликлардан олдинда турар ва душман хужум қилган вақтда ҳандақ қалқонлари ва туралари орқасига яширинган ҳолда биринчи бўлиб жангга кирардилар. Шарафиддин Али Яздий 1391 йилда Темурнинг Тўхтамиш билан қилган жангини тасвирлаб, Темур кўшинининг чап ва ўнг қанотларидаги туманлар, минглар ва кўшинларнинг амирлари пиёдалар билан отликларни жанговар тартибда жойлаштирадилар, деб ёзади.

Ғиёсиддин Али Темурнинг 1398-1399 йилларда Ҳиндистонга қилган юришини тасвирлаб, бу жангга пиёда аскарларнинг ҳам қатнашганлигини уқтиради. Масалан, Ғиёсиддин Али Ғул (Жул) дарёси бўйидаги жангни тилга олиб, чап қанотнинг авангардида Султон Али Товачининг кўли (қисми) бор эди ва у хуросонлик пиёда аскарлардан иборат эди, дейди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Соҳибкирон ўз замонида қудратли ҳарбий куч соҳиби бўлиш билан бир қаторда, маҳораба услуб ва йўриқларини мукаммал эгаллаган ажойиб саркарда ҳам эди. Темур ҳарбий куч-қудратининг яна бир мустаҳкам таянч манбаи у жангчилари садоқати ва салоҳиятини ниҳоят кадрлар ва мудом мурувват билан тақдирлаб, рағбатлантириб турарди. У аскар бошлиқлари ва навкарларини қаршилик кўрсатувчи кучларга нисбатан бешафқатлик руҳида тарбиялашга муваффақ бўлди. У жанг қилишнинг янги усул ва йўлларини қўллади.

Амир Темур ўзининг кенг кўламли юришларида қўллаган ҳарбий техникани ҳам жуда яхши ва тўла-тўқис билган. Мисол учун, Ҳиндистонда Амир Темур аскарлари ҳарбий филлар билан тўқнаш келиб қолганида ва уларга қарши боришга чўчиб турганларида, Амир Темур ўз жангчиларига чуқурлар қазиб, у ерга учли симлар ўралган устунлар қоқишни ва уларга шохларига хашак қўйилган буқаларни боғлаб қуйишни буюради. Бу тадбир эса жангда Амир Темур кўшинларининг ғалабасини таъминлаган ва у филларнинг жуда кўп қисмини қўлга киритиб, ўз ҳарбийлари қаторига қўшиб олган.

## АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ ТАШҚИЛ ТОПИШИДАГИ ТАРИХИЙ ЗАРУРАТЛАР

У.ЭРГАШЕВ, З.ХАТАМОВА,  
ФарПИ ўқитувчилари

Маълумки, ҳар қандай сиёсий даврда, ўта оғир сиёсий вазиятларда халқ бирлиги мамлакатлар ҳаётида асосий куч саналган. Мовароуннаҳр аҳолиси ҳам ўз эрки ва озодлиги, оила шаъни, муқаддас тупроғи ҳурмати учун мўғулларга қарши курашга отланди. Бу ҳаракат тарихда «сарбадорлар» ҳаракати номи билан шуҳрат топди.

Самарқандда бундай ҳаракатга мадраса талабаси Мавлонзода, пахта титувчилар маҳалласи оқсоқоли Абу Бакр Кулуйи (Наддоф) ва мерган Хурдаки Бухорийлар бошчилик қилдилар. Улар ҳокимиятни бошқаришда етарли тажрибага эга эмасдилар. Фақат халқнинг босқинчиларга бўлган нафрати, ўзаро жипслашуви, озодликка бўлган интилишларининг кучлилиги боис Илёсхўжа лашкари устидан ғалаба қозондилар ва бутун қиш давомида Самарқанд Мавлонзоданинг қўлига ўтиб, «уни имом ва амир сифатида қабул қилдилар».<sup>8</sup> Сарбадорлар ҳаракати Амир Темур давлатининг ташқил топишини тезлаштирди.

«Мовароуннаҳр ҳокими бўла оладиган амирлар кўп эди. Ана энди, нима учун бу чўққига айнан Амир Темур қўтарила олди, деган саволга жавоб излайлик. Тўғри, унинг тақдирида бундай қисмат аввалдан ёзилган эди, дейиш осон. Аммо бунда энг муҳим жиҳат адолат мезонидир, зеро, унинг хоҳ сиёсий, хоҳ маърифий жабҳаларида – қайси ҳаётий масала хусусида бўлмасин, у ҳар бир кишига биринчи навбатда инсоний қонун-қоидалар, тамойиллар бўйича ёндашди.

Демак, 1365-1370 йиллар орасида Соҳибқироннинг давлат тузиш борасида олдида турган энг муҳим муаммолар куйидагилар эди:

1. Аввало, Мовароуннаҳрни мўғуллар зулмидан бутунлай халос этиш, у билан муроса қилиш.

2. Амир Ҳусайнга истаган вилоятини бериб, уни назоратда тутиш.

3. Турли вилоятларда «қўғирчоқ» ҳукумат тузиб, амирларни тобе ҳолатига келтириш.

4. Мамлакат чегараларини мустаҳкамлаш, пойтахтни танлаш, уни обод этиш.

5. Қўшинни тартибга келтириш, озиқ-овқатидан тортиб, навқарлар маошини тўлашгача бўлган барча ишларни ҳал этиш.

У ўзининг ўн иккинчи кенгашида «тўғри чора-ю тадбир ишлатиб, Илёсхўжа лашкарини синдирдим»<sup>9</sup>, деб ёзади. Ўн учинчи кенгашда ўқиймиз: «Жете лашкари урушда енгилганига иқрор бўлганидан кейин, иккинчи бор жанг қилишга ботинолмади, чорасиз қолган Илёсхўжа Хўжанд сувидан ўтиб кетди».<sup>10</sup>

Шундан сўнг Амир Темур салтанат мустақиллигини мустаҳкамлашга киришади. Бу тўғрида «Тузуклар»да шундай ёзилади: «Кенгашларим ўзини шавкатли, буюк амир деб ҳисоблаган ва бошқа амирлардан ўзини улуғроқ билаётган амирларни итоат эттириб, бўйсундиришга қаратилганди».<sup>11</sup>

Амир Темур олдида амир Ҳусайн масаласи қўндаланг турар, бу ўша пайтда биринчи вазифа ҳисобланиб, уни тезда қатъий ҳал этиш лозим эди. 1365 йилдаги «Лой жанги»дан сўнг Соҳибқирон унга ишонмай қўйганди. Шу боис, уни Хўжа Шамсиддин Кулол мазорига олиб бориб, дўстлик изҳор қилиб, қасам ичса-да, кейинчалик у ўз қасамини бузади ва хун талабгорлари томонидан ўлдирилади.

Бошқа амирлар ҳам ёки кенгаш билан ёки уруш, ёхуд дипломатия йўли билан бўйсундирилади. 1370 йилнинг 9 апрелида Балхда ўтказилган Қурултой уни қадимги турк одати бўйича оқ кигизга ўтказиб, Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эълон қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, баъзи нусхаларида бу воқеа бошқача тарзда келтирилган. Жумладан, «Қиссаи Темур»да таърифланишича, «жетелар» тор-мор келтирилиб, бир вақтлар Темурнинг иттифоқчиси бўлган, кейинчалик унинг душманига айланган Амир Қозоғоннинг набираси Балх ҳукмдори бўлиб турган Амир Ҳусайн ҳам ҳалок бўлгач, ўша даврда таъсири кучли бўлган уч ҳукмдор – Бадахшон ҳокими Шох Муҳаммад Бадахший, Хатлон ҳокими Амир Кайхусрав Хутгаланий ва ўзини минг оилалик сулдузлар уруғининг ҳокими деб билган амир Шайх Муҳаммад Баён сулдуз Мовароуннаҳр ҳукмдорлигига даъво қиладилар. Ана шу вақтда Термиз Сайидларидан Сайид Абдул Баракот Амир Кайхусрав талаби билан қуръа ташлайди. Қуръа уч марта ҳам Амир Темур номига чиққач, ўн икки амир унга бўйсуниб, муборакбод қилишади. Шундан сўнг: «Сана етти юз етмиш биридаким, ўттиз беш ёшга кириб эрдим, тўрт азамушон сайидким, аларнинг бири Сайид Абул Баракот ва яна бири Абул Маъоний ва яна бири Амир Зиёвуддин ва яна бири Амир Али Акбар эди, саодатлиг саотида манинг қўлумни тутуб, салтанат тахтига миндурдилар», деб ёзади Амир Темур бу ҳақда.<sup>12</sup> Ушбу манбада келтирилган: «Ва ман тахтга минган кун аввал умаро сипоҳининг ултурмоқ ва тик турмоқлик тузукин қилдим. Самарқанд ва Бухоронинг раъиятларин тавоби била тархон қилдимким, алардан молу-манол олмасунлар»<sup>13</sup>, деган маълумотлар ҳам бошқа манбаларда учрамайди. Шу тариқа Мовароуннаҳр ҳаётида янги давр бошланади. Амир Темур номи оламга ёйилди.

<sup>8</sup> Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: «Адолат», 2000, 157-б.

<sup>9</sup> Темур тузуқлари. – Тошкент, 1996, 44-б.

<sup>10</sup> Ўша асар, ўша бет.

<sup>11</sup> Ўша асар, 37-б.

<sup>12</sup> Қиссаи Темур («Малфузоти Темурий»). – Тошкент, 2000, 213-б.

<sup>13</sup> Қиссаи Темур («Малфузоти Темурий»). – Тошкент, 2000, 120-б.

## ИСКАЖЕННАЯ ПРАВДА ЭМИРА

И.ОРИПОВ, Ферганский ОИППКПРНО, старший преподаватель

История Амир Темура была всегда в центре внимания не только историков, но и многих государственных деятелей и политиков. Особое внимание уделялось военными, даже изучается в военных академиях и высших учебных заведениях. В советский период история Амир Темура изучалась однобоко, все его отрицательные стороны пропагандировались с большими перегибами, пытались заглушать положительные стороны. А в 1973 году официально было принято решение ЦК КП Узбекистана, где осуждался Амир Темура. На основании этого документа Президиум Академии Наук Узбекистана приняло свое постановление, на основании которого был изъят весь тираж из продажи всемирно известная, как достоверно написанная книга Шарафуддина Али Язди «Зафарнаме», которые были сожжены во дворе типографии «Фан». Также была осуждена книга академика И.Мунинова «Роль и место Амира Темура в истории Средней Азии». В связи с этим были запрещены публикации о положительной стороне деятельности Амир Темура.

Только после 1991 года, когда Узбекистан стал суверенным государством, начали появляться отдельные статьи и книги об Амир Темуре. А по инициативе Президента Республики Узбекистан Ислам Каримова, в связи с 660 летием со дня рождения Амир Темура, было принято решение ЮНЕСКО о проведении в 1996 году его юбилея. В связи с этим в Ташкенте был воздвигнут памятник и открыт новый музей Амир Темура, проведена международная научная конференция и опубликованы ряд книг и статей об Амир Темуре.

Положительным фактом является публикация в переводе на узбекский и русский языки ряд древних рукописей об истории Амир Темура: «Зафарнома» (три одноименные книги, авторами которых являются Шарафуддин Али Язидий, Низамиддин Шами и Амир Темура Курагани), «Аджайб ал-макдур фи тарихи Таймур» (Ибн Арабшах).

Многочисленные историографы Тимура описали все стороны его жизни. Они уделяли ему столько внимания, что собирали о нем любые сведения, даже самые нелепые. Поэтому многие сохранившиеся свидетельства не просто противоречивы - они подчас приводят в полное недоумение. Так, средневековые биографы и мемуаристы отмечают феноменальную память Тимура, владение турецким и персидским языками, говорят о том, что его знание многочисленных историй из жизни великих завоевателей и героев помогало ему воодушевлять воинов перед битвой. И вместе с тем, те же источники утверждают, что Тамербек был неграмотным. Как же могло так случиться, чтобы человек, знавший несколько языков, не умел читать, обладая при этом феноменальной памятью? Зачем тогда ему было нужно держать при себе личных чтецов, если они не могли научить читать Тамербека? Как же он тогда управлял своей великой империей, руководил армией, определял численность своих войск, количество оставшегося фуража? Как мог неграмотный человек привести своими познаниями в истории в изумление величайшего из мусульманских историков Ибн-Халдуна? Самой же неоднозначной интерпретацией историков является попытка представить Тимура в образе беспощадного мясника, который истребляет своих противников, вырезая целые города. Если верить этой версии, то получается, что Тамербек не великий воин и строитель, а зверь в образе человеческом.

В 1387 году во время похода в Иран якобы по его приказу было обезглавлено 70.000 мирных жителей города Исфавана, из голов которых при помощи речной глины была сложена огромная пирамида или несколько пирамид. В 1389 году в хорасанском городе Себзеваре Тимур якобы приказал своим воинам закладывать битым кирпичом и известью брошенных в канавы живых людей, возводя, таким образом, стонущие стены. В 1398 году во время похода в Индию Тимур якобы приказал истребить 100.000 пленников, так как их было трудно довести в Среднюю Азию. В 1401 году в один день (!) при взятии Багдада было якобы убито 90000 человек, и из их голов было сооружено чуть ли не 120 башен. Говорят, что при взятии египетского города Халеб Тимур обещал не пролить ни капли мусульманской крови. Свое обещание он якобы «сдержал» - все христиане были перерезаны, а все мусульмане заживо зарыты в землю.

О «живодерстве» Тимура историк В. Бартольд в «Энциклопедии Брокгауза и Ефрона» пишет следующее: «В жестокостях Тимура, кроме холодного расчета (как у Чингисхана), проявляется болезненное, утонченное зверство, что, может быть, следует объяснить физическими страданиями, которые он переносил всю жизнь (после раны, полученной в Сеистане)».

Бартольд не одинок. Многие исследователи говорят о том, что «жестокость Тимура можно объяснить участвовавшими болями в ноге и руке». Как видим, из эмира вытекает образ психопатического типа, который, ощутив боль в конечностях, принимает решение вырезать сотни тысяч человек. Но у нас до сих пор нет реальных доказательств тех зверств, которые приписывают Тимуру. Археологи не нашли ни одного подтверждения. Не найден ни один значительный фрагмент ни одной из башен, сооруженных из «отрубленных голов».

Тимур оставил нам много загадок. И мы не найдем на них ответа, пока не разберемся в причинах его бесконечных военных походов. Большинство историков говорят об этих причинах слишком однозначно. Для них он типичный деспот, мечтающий о господстве над миром. Такой подход ничего не объясняет. Слишком сложное это занятие - побеждать своих противников.

Тимур же создал угрожающий прецедент, он поколебал «правила игры». Ханы Золотой Орды, мамлюки Египта, султан Багдада и турки-османы были едины в своем стремлении уgomонить безродного. Им казалось, что они с легкостью восстановят престиж своей власти.

Инициатором континентального союза против Тамербека выступил хан Золотой Орды Тохтамыш, которого Тимур в свое время не выдал Урус-хану – правителю Золотой Орды. Тохтамыш несколько лет провел при Тимуре. И прекрасно был осведомлен об истинном величии и возможностях Тамербека. После смерти Урус-хана Тимур помог прийти к власти в Золотой Орде Тохтамышу. Но он очень быстро забыл об оказанной помощи. Совместно с мамлюками и османами Тохтамыш пытался координировать свои действия против Тимура. Постоянно шли

переговоры между этими тремя великими державами того времени. Фома Мецопский сообщает о плененных Тимуром посланниках Тохтамыша к хану тавризскому Ахмеду для заключения дружбы и мира. Аль-Аскалани и Ибн Дукмак в своих летописях упоминают о посольствах Тохтамыша к султанам Египта. Араб Ибн Тангриберди перечисляет всех участников этого союза. В этот военный блок входили татарский хан Тохтамыш, султан османов Баязид, мамлюкский султан Баркук, а также эмир Ахмед Бурханеддин (Сиваса), правитель Кара-Коюнлу Кара-Юсуф, Джелаириды, правитель Мардина и Туркменский эмир. Конечно, к этому союзу не мог не примкнуть и зависимый от мамлюков правитель Багдада.

Сформированный грозный континентальный военный блок должен был раздавить гордого барласа, поставить на место выскочку и показать всей Евразии, что законы престолонаследия останутся прежними. Не вышло. Тамербек вовремя узнал о грозящей ему опасности. Он умело вел переговоры со всеми, вводя противников в заблуждение. Использовал все - от подарков до угроз. Возможно, именно по его приказу в 1398 году отравили несговорчивого повелителя мамлюков Баркука, перебившего послов Тимура. Все средства использовал Тамербек. Он стремился разбить всех своих противников поодиночке. Правда, это ему пришлось делать всю свою жизнь. Тамербек был вынужден не покидать седла, постоянно опасаться предательства, ждать нападения, которое могло произойти в любое время и в любом месте. Он потерял в битвах своих любимых сыновей и внуков, верных воинов. По-другому было нельзя - либо походы, либо смерть и разорение Мавераннахра.

Так что причина его постоянных военных походов, по всей видимости, заключалась не только в желании подчинить себе все основные торговые пути и не в попытке прокормить огромную армию. Свобода и независимость подчиненного ему Мавераннахра, постоянная опасность нападения, реальная угроза уничтожения его страны мировой военной коалицией, не признающей его легитимности, - вот что заставило Тамербека окружить свои земли поясом вассальных государств.

## РУИ ГОНСАЛЕС ДЕ КЛАВИХО КУНДАЛИГИ – АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ ТАРИХИ БЎЙИЧА МУҲИМ МАНБА СИФАТИДА

С.ХАКИМОВА, ФарДУ тарих кафедраси ўқитувчиси,  
У.ПАХРИДДИНОВ, ФарДУ қошидаги 3-сонли  
академик лицей ўқитувчиси

Амир Темур даврига оид ва унинг ҳукмронлигини ёритувчи бир қатор манбалар мавжуд. Улар қаторида 1404 йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида Самарқандда бўлган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги»<sup>14</sup> номли сафарномаси алоҳида ўринга эга. Ушбу асар мемуар характерга эга бўлиб, воқеалар бевосита уларнинг иштирокчиси ва кузатувчиси томонидан баён этилган. Айнан шу омил Клавихо маълумотларининг ишончлилигини оширади ва шу билан бирга, Амир Темур ҳукмронлигининг сўнгги йилларида рўй берган воқеа-ҳодисаларни маҳаллий тарихчилар асарларида келтирилган маълумотлар билан солиштириш имконини беради.

Клавихо ҳақидаги маълумотлар кам сонли бўлиб, улар қисман асарнинг ўзида, қисман кейинги даврда яшаган испан тарихчиларининг асарларида келтирилган. Унинг туғилган йили номаълум, вафот этган санаси эса 1412 йилга нисбат берилди. Клавихо Кастилия ва Леон қироли Генрих III де Трастамара саройида хизмат қилган ва 1407 йилда қирол вафотидан сўнг давлат ишларидан четлашади<sup>15</sup>.

Элчи Амир Темурнинг ҳокимиятга келишини умумий тарзда баён этади. Лекин ушбу маълумотларда тарихий ҳақиқатга тўғри келмайдиган жиҳатлар кўп. Буни Клавихо ушбу маълумотларни бошқалардан эшитганлари, яъни оғзаки манбалар асосида ёзганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу билан биргаликда, Клавихонинг Чингизхон тарихи, Хитой давлати ҳақида берган маълумотларида ҳам шу каби хатоликларни учратиш мумкин.

Клавихо кундалигининг Темур ва унинг давлати ҳақида ўзи бевосита гувоҳи бўлган воқеаларни ва маълумотларни келтирган қисми алоҳида аҳамият касб этади ва оригинал характерга эга. Айтиб ўтиш керакки, Амир Темур фаолияти кенг ёритиб берилган асар – Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сида ҳам муаллиф бевосита ўзи кузатган ёки иштирок этган воқеалар баёни салмоқли ҳисобланади. Лекин уларнинг баёни 1404 йил баҳоригача берилган. Шу маънода Клавихо 1404 йилнинг иккинчи ярми давридаги Темур фаолиятини тасвирлаши билан Низомиддин Шомий асарини тўлдирди ва «Зафарнома»га зайл, яъни илова тарзида Хафиз Абу томонидан ёзилган<sup>16</sup> Амир Темур вафотигача бўлган воқеаларни солиштириб, ишончлилигини текшириш имкониятини беради.

Самарқандга етиб келишдан аввал испан элчилари Кеш шаҳрида тўхтади. Клавихо бу шаҳар ҳақидаги маълумотлар орасида 20 йилча давомида қурилаётган муҳташам сарой тасвирини беради. Бу машҳур Оқсарой бўлиб, элчи саройнинг ички ҳовлисини анча батафсил тасвирлайди. Саройнинг жуда ҳашаматли эканлигини қайд этиб, унинг безакларига Париж усталари ҳам ҳайрон бўлар эди, деб ёзади.

Элчилар Самарқандга кириб келар экан, улар шаҳар атрофида жойлашган боғда тўхтади. Клавихо бу боғни Талисия, маҳаллий тилда эса Калбот, яъни Гулбоғ, деб аталишини ёзади. Бу 1398 йилда Амир Темур томонидан барпо этилган Тахта-Қорача боғи бўлиши мумкинлиги тахмин қилинади<sup>17</sup>. Шунингдек, Клавихо Боғи Дилкушода Амир Темур томонидан испан ва Бобил (Миср) элчиларининг қабул қилиниши воқеасини батафсил баён этган. Клавихо Соҳибқироннинг қиёфаси ва ташқи тузилишини тасвирламайди, фақат эгнидаги кийим-бошнинг таърифи билан чекланади: «Подшоҳнинг эгнида гулсиз силлиқ шоҳи яқтак, бошида узун телпак, телпакнинг юкорисида кизил, ёқут, жавоҳир ва бошқа қимматбаҳо тошлар қадалган»<sup>18</sup>. Лекин асарнинг турли жойларида Амир Темурнинг бу пайтга келиб кўзи хиралашгани, яраланган оёғи безовта қилганидан отда юришга қийналганлиги каби маълумотларнинг келтирилиши бу пайтда Амир Темурнинг соғлиги яхши бўлмаганлигидан далолат беради. Боғи Дилкушодаги қабулни тасвирлаш чоғида Клавихо элчилар қандай тартибда ҳукмдор хузурига киритилганлиги, уларнинг совғаларини олиб қолиш, элчиларни зиёфат давомида ўтказиш тартиблари ҳақида маълумот беради. Бундан биз ўша давр дипломатика этикети ҳақида қимматли маълумот оламиз.

Боғи Дилкушодаги қабул ҳамда Конибил мавзесидаги зиёфатларни таърифлаш давомида Клавихо ўша даврдаги овқатланиш тартиби, таомлар ва ичимликлар, уларни дастурхонга тортиқ этиш одатлари ҳақида батафсил маълумотлар беради. Шунингдек, издохомларда маликаларнинг ҳам қатнашиши айтилиб, уларнинг эгнидаги кийимлар қандай матодан ва қандай бичимда эканлиги, уларнинг пардози таърифланади.

Юқоридаги боғлардан ташқари испан элчилари Боғи Чинор, Боғи Нав, Боғи Давлатободда уюштирилган базмларда иштирок этган ва ушбу боғларнинг тузилиши ҳамда безаклари тасвирланган.

Клавихо Самарқанд шаҳрини таърифлашда, унинг Севилья шаҳридан хиёл каттароклиги, бутун шаҳар атрофи баъзи жойлари бир ярим, баъзан икки баробар масофага чўзилган боғлар ва тоқзорлар билан ўралгани, уларнинг кўплигидан кириб келаётганда шаҳар бамисоли баланд дарахтлардан ҳосил бўлган ўрмон ўртасида жойлашгандай кўриниши, шаҳардан ташқаридаги кенг ялангликдаги қишлоқларда подшоҳ забт этган мамлакатлардан келтирилган одамлар истиқомат қилишини ёзади<sup>19</sup>. Шунингдек, Самарқанднинг бошқа давлатлар билан, хусусан, Россия, Татаристон ва Хитой билан савдо айланмасидаги моллар ҳақида диққатга сазовор маълумотлар келтирилади.

<sup>14</sup> Клавихо Руи де Гонсалес. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). – Т.: Ўзбекистон, 2010.

<sup>15</sup> Клавихо Руи де Гонсалес. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). – М.: Наука, 1990. С. 7.

<sup>16</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т.: Ўзбекистон, 1996.6-б.

<sup>17</sup> Клавихо Руи де Гонсалес. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). – М.: Наука, 1990. С. 187.

<sup>18</sup> Клавихо Руи де Гонсалес. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). – Т.: «Ўзбекистон», 2010. 156-б.

<sup>19</sup> Ўша асар, 198-б.

## AMIR TEMUR – MARKAZLASHGAN DAVLAT ASOSCHISI

Sh.Ne'matova, Jizzax VXTXQTMOI o'qituvchisi,  
B.Husanov, GulDU qoshidagi Yangiyer akademik litseyi o'qituvchisi.

Mavzuni ochishga kirishishdan oldin, avvalo markazlashgan davlat tushunchasiga izoh berishni lozim deb o'ylaymiz. Markazlashgan davlat bu – yagona markazdan turib boshqariladigan, barcha hududlarida bir xil qonun-qoidalar amal qilinadigan yaxlit davlat shakli demakdir! Insoniyat siyosiy amaliyoti davomida turli tuzilishlarga ega bo'lgan davlatlar tashkil etilgan. Bular ichida eng ma'quli markazlashgan davlatlardir. Bunday davlat shakllari, ayniqsa, o'rta asrlarda juda muhim edi. Markaz-lashgan davlatlarning aksi bo'lgan tarqoq davlatlar ham bo'lib, ular butun mamalakat xalqi manfaatlariga aslo mos kelmas edi. Shu sababli, ilg'or mamlakatlardagi yetakchi siyosiy va davlat arboblari o'z yurtlarida markazlashgan davlatlarni tuzish uchun harakat qilishgan. Ana shunday yetuk siyosiy arboblardan biri Amir Temur edi.

XIV asrning 50-60-yillarida Movarounnahrda siyosiy vaziyat og'irlashdi, yurtda boshboshdoqlik avj olib, o'lkamiz 10 dan ortiq mayda o'zboshimcha amirlar boshqaruvidagi alohida mulklarga bo'linib, siyosiy tarqoqlik davri boshlandi, bu esa xalqning siyosiy ahvolini ham og'irlashtirib yubordi, o'zaro urushlar esa yurti vayron qildi, o'zbek millatining shakllanishi jarayonini qiyinlashtirdi, yurtdagi turli viloyatlar o'rtasida dushmanlik kayfiyatini vujudga keltirdi.

Ana shunday og'ir vaziyatdagi holat Movarounnahrni birlashtirib, markazlashgan davlat tuzish zarurati vujudga keldi, sharoit shuni taqozga eta boshladi. Ana shu ehtiyojni birinchilardan bo'lib, yosh Amir Temur anglab yetdi va maqsad yo'lida o'z siyosiy faoliyatini boshladi. Temur siyosat maydoniga kirib kelayotgan paytda Mo'g'uliston xoni Tug'luq Temur 1360 yillar boshida Movarounnahrda ikki marta hujum qilib, yurti bosib oldi. Shu paytda Movarounnahrda alohida viloyat amirlari turli o'lkalarga qochib ketib, xalqni o'z holiga tashlab qo'yishdi, jumladan: Kesh amiri – Temurning amakisi Amir Hoji Barlos Xurosonga qochib ketdi, o'zi bilan jiyani yosh Temurni ham olib ketmoqchi bo'ldi. Lekin Temur yurti tashlab ketishni istamadi va yurtda qolib, Tug'luq Temur bilan kelishib, uning xizmatiga kirishga majbur bo'ldi. Amir Temurning mo'g'ul hukmdori Tug'luq Temur xizmatiga o'tishi bu xiyonat emas, balki bir siyosiy tadbir bo'lib, vaziyatdan kelib chiqqan holda, ahvolga to'g'ri baho berish bo'lib hisoblanadi. Bundan Amir Temurning ko'zlagan maqsadi – ahvoldan xabardorbo'lib turish, xalq bilan birga qolib, iloji boricha o'z xalqini himoya qilishga qaratilgan bo'lib, kurashga tay-yorlanib, qulay payt kelguncha kutib turishga qaratilgan vaqtinchalik siyosiy qadam edi.

1370-yilning 10-aprel kuni Balx shahri Temur tomonidan egallandi va keyingi kuni (11-aprelda) qurultoy chaqirib, unda Amir Temur Movarounnahr oliy hukmdori – amiri etib e'lon qilindi. Aynan ana shu kundan boshlab u o'zining asosiy maqsadi markazlashgan davlatni yanada mustahkamlash yo'lida real imkoniyatga ega bo'ldi va shu maqsad yo'lida qadam tashlashni davom ettira boshladi. Bu orada Balx safari ham poyoniga yetib, Amir Temur Samarqandga qaytdi va bu shaharni o'z saltanatining poytaxtiga aylantirdi.

Qisqasi, Amir Temurning 35 yillik siyosiy va harbiy faoliyati natijasi o'laroq, O'rta Osiyo va unga tutash bo'lgan Xurosan, Yaqin va O'rta Sharq, Oltin O'rdaning bir qismini o'z ichiga olgan ulkan saltanat barpo etildiki, u o'z davrida (aynan Amir Temur davrida) yaxshigina markazlashgan davlatga aylangan edi. Bu esa o'z navbatida, bu ulkan hududda tinchlik, barqarorlik vaziyatini ta'minlab, unda bir xil adolatli qonunlar joriy etilishiga olib keldi. Davlatning huquqiy asoslari yaratilib, hayotga tadbiiq etilishi, unda osoyishda vaziyatni vujudga keltirgach, mamlakatda iqtisodiy-ijtimoiy va madaniy yuksalishni amalga oshirishda bosh omil bo'ldi. Shuning uchun ham Temur va temuriylar davlatida iqtisodiyotning barcha sohalari yaxshi taraqqiy topdi, ijtimoiy adolat tamoyillari amaliyotda o'z mevalarini berdi, fan-madaniyat sohalarida ulkan yutuqlarga erishdi, san'at, bunyodkorlik sohalarida ham ulkan yutuqlar qo'lga kiritildi. Ulkan hududda tashkil etilgan bu barqaror, osayishda markazlashgan mamlakatda ko'plab xalqlar farovan hayot kechirib umrguzaronlik qila boshladi.

Yuqoridagi fikr isboti uchun qator misollarni keltirish mumkin, jumladan: A. Temurning markazlashgan davlati, rasman 1370-yilda qaror togan bo'lsa, G'arbning ilg'or davlatlari deb hisoblangan Fransiya bunga 1481-yilda, Rossiya 1500-yillar boshida, Angliya 1485-yildagina muvaffaq bo'lishdi.

Bugungi O'zbekistonning boshqaruv tamoyillariga qarab, boshqaruv shaklini tanlashda Amir Temur tajribasidan ijodiy foydalanilayotganligini sezish mumkin. Buning isboti shuki, 14 ta ma'muriy birlikdan va 130 dan ortiq millat vakillaridan iborat mamalakatda bugun hamma hududlarda osoyishtalik hukmron, barcha millat va elat vakillari teng, emin-erkin, farovon hayot kechirmoqda. Bu Amir Temur tajribasidan kelib chiqqan holda oqilona davlat boshqaruvi og'ishmay amalga oshirila-yotganligi hosilasidir.

## AMIR TEMURNING TARIXIY XIZMATLARI

M.Qodirova, Farg'ona shahar 38-maktab o'qituvchisi

Tarixchi olim Sharafiddin Ali Yazdiy o'zining «Zafarnoma» asarida Kesh qo'rg'oni va Oqsaroy-ning qurilishi haqida quyidagilarni yozgan: «Sichqon yiliga to'g'ri kelgan (hijriy) 781-yilning oxiri (milodiy – mart, 1380) erta bahor fasli edi. O'z quvvati bilan tabiatni gullatib yashnatuvchi me'mor (tabiat) ko'katzorlar va maysazorlar shahrini obod qilishga, atirgul butalaridan qasrlar yaratib, la'lgun shoxchalar uchini baland ko'targan vaqtda... Oliyhazrat sohibqiron... Keshning xushhavo va rom etuvchi zaminida orom olish uchun taxtini o'rnatirdi. Bu yerda qasr bunyodiga asos soldilar». 1404-yilda Amir Temurning onasi Nekuzbib sharafiga qurib bitkazilgan, go'zallikda tengsiz Oqsaroy ispan elchisi Rui Gonzales de Klavixo 1403-yili bu yerdan Samarqandga o'tayotganda hali bitmagan edi. Ammo shunga qaramasdan u o'z xotiralarida Oqsaroyning go'zalligidan hayratlanganligi va qoyil qolganligini yozadi.

Amir Temur Keshni Movarounnahrning madaniy markaziga aylantirishga harakat qildi. Saltanat poytaxti Samarqand Amir Temur davrida ayniqsa gullab yashnadi. Shaharda Isfahon, Sheroz, Halab, Xorazm, Buxoro, Qarshi va Kesh shaharlarining me'moru binokorlari qo'li bilan saroylar, masjidlar, madrasalar, maqbaralar quriladi. Shahar tashqarisida esa bog'-rog'lar va bo'stonlar barpo etiladi. Amir Temur mashhur Shohizinda qabristonini ham o'zining o'tkir zehni va e'tiboridan chetda qoldirmadi («Shohizinda» – «tirik shoh» ma'nosini beradi). Shaharda Bibixonim jome masjidi, Amir Temurning qarorgohi Ko'ksaroy va Bo'stonsaroylar qad ko'taradi.

Amir Temur birinchi navbatda Samarqandni dunyoning eng go'zal va obod, ko'rkam va betimsol shaharlariga aylantirishni o'zining bosh maqsadi deb biladi. U ishni eng avvalo mo'g'ullar istilosidan so'ng 150 yil mobaynida vayron va qarovsiz yotgan shaharning mudofaa devorlarini tiklashdan boshladi. Osmo suv yo'li («Jo'yi Arziz»)ning yakson etilishi tufayli suvsiz qolgan Samarqand mahallalariga Zarafshon daryosidan suv keltiradi. Amir Temur o'z saltanatining qo'rg'oni – Ark qal'a, undagi betakror va go'zal binolarni qurdiradi. Ko'ksaroy va Bo'stonsaroy deb elda mashhur bo'lgan bu binolar shaharning ko'rki hisoblangan.

Sohibqiron Hindiston safaridan qaytgach, uning farmoni bilan Jome' masjidi (Bibixonim nomi bilan ataluvchi masjid) ning qurilishi boshlanadi. Jome' masjidi qurilishiga Temurning shaxsan o'zi qiziqqan va jangu jadallar bilan band bo'lsa-da, uni e'tibordan qochirmagan. Jome' masjidi belgilangan muddatda bitkaziladi. Biroq Sohibqiron bu paytda safarda edi. Ayni paytda masjid yonida jozibali va ulug'vor madrasa qurilishi boshlab yuborilgan edi. Ibn Arabshohning guvohlik berishicha, quruvchilar madrasa darvozasi vadevorlarini jome' masjidiga nisbatan baland ko'taradilar. Natijada madrasa asosi Jome' masjidi asosidan mustahkam, balandlikda ham undan yuqori bo'ladi. 1404-yil-ning kuzida Temur harbiy safardan qaygach, madrasa va Jome' masjidini tomosha qilar ekan, uning nazarida masjidning peshtoqi madrasaga nisbatan tor va past ko'rinadi. U g'azabga minadi va Jome' masjidi bosh peshtoqini buzib tashlab, boshqatdan qurishga farmon beradi. Qayta ta'mirlash ishlarini Amir Temurning shaxsan o'zi nazorat ostiga oladi. Jome' masjidi Samarqand shahridagi hashamatli va go'zal obidalardandir. U boshqa binolardan mahobati va quyosh nurida turli rang ko'rinishda toblanib turuvchi maftunkor, jimjimador, go'zal bezaklari bilan bir tarzda ajralib turadi.

Amir Temur davrida qurilgan va dovrug'i olamni tutgan tarixiy obidalardan yana biri bu – Go'ri Amir maqbarasidir. Bu muhtasham binoning o'z qurilish tarixi bor. Amir Temurning nabirasi Muhammad Sultonni (Jahongirning o'g'li) juda sevardi. Muhammad Sulton 1403-yilda, 27 yoshida shamollab vafot etadi. Uni Samarqandga olib kelib dafn marosimi o'tkazadilar. Amir Temur 1404 –yilning kuzida safardan qaytgach nabirasi Muhammad Sulton xotirasi uchun maqbara qurishga farmon beradi. Ushbu farmonda maqbarani o'n kun mobaynida qurib tugallashga buyruq beradi. Haqiqatan ham, maqbara o'n kunda batamom qurib bitkaziladi. Amir Temur shu kuni Muhammad Sulton Mirzo xotirasiga va Alloh yo'liga atab katta xudoyi marosimi o'tkazadi. 1405-yilda Amir Temur vafot etgach, uning o'zi ham shu yerga, nevarasining yoniga dafn etiladi va maqbara «Go'ri Amir maqbarasi» deb nomlanadi.

Amir Temur poytaxti Samarqand atrofini bog'-rog'lar bilan o'rab oladi. Ular Bog'i naqshi jahon, Bog'i behisht, Amirzoda Shoxruh bog'i, Bog'i Bo'ldu, Bog'i dilkusho, Bog'i zog'on, Bog'i baland, Davlatobod, Bog'i chinor, Bog'i nav, Bog'i jahonnamo nomlari bilan atalgan. Tarixchi ibn Arabshoh Amir Temurning bog'lari haqida bunday yozadi: » Temur Samarqandda ko'pdan-ko'p bo'stonlar barpo etib, baland va muhtasham qasrlar bunyod etdi. Ularning har qaysisi g'arobatli tartibdam, ko'rkam va ajib suratda edi. Bo'stonlarning asosini mustahkam qilib, fahomatli mevali ko'chatlar bilan ularni bezadi. Ularning birini Eram bog'i, ikkinchisini dunyo ziynati, yana boshqasini Firdavs jannati, unisini shimol bog'i, bunisini Oliy jannat deb atadi». Amir Temur yaratgan bog'lar go'zalligini ulardagi turli-tuman mevalar va yer yuzida mavjud bo'lgan hayvonot dunyosi-yu, parrandalar tafsilotini ta'rifga olish uchun qalam o'zlik qiladi.

## ADOLATPARVAR DAVLAT ARBOBI

T.Hoshimov, Jizzax VXTXQTMOI katta o'qituvchisi.

Tarix Temur zimmasiga Oltin O'rdadek qudratli mo'g'ul imperiyasining asosini yemirishdek ulkan vazifani qo'ygan ekan, Sohibqiron bu vazifani ham buyuk jasorat bilan ado etdi. Tarixchilar tasviricha, u o'rta asrning atoqli davlat va harbiy arboblardan bo'lgan.

Shaharlar va shahar atrofi aholisidan na jon solig'i va na boj olinardi. Birorta ham askarning doimiy turish uchun shaxsiy kishilar uyini egallashga yoki fuqarolarning molini va boyligini o'zlashtirib olishga haqqi yo'q edi. «Barcha ishlarda, – deb yozgan edi Amir Temur, – bu ishlar qaysi o'lka xalqiga taalluqli bo'lmasin, hokimlarning adolat tomonida qattiq turishlariga buyruq berilgan. Qashshoqlikni tugatish maqsadida boshpanalar tashkil qildimki, kambag'allar ulardan nafaqa olib turardilar». Bundan tashqari, Temurning soliqlar haqidagi qoidasi juda muhim ahamiyatga egadir. Temur yozadi: «Soliqlar yig'ishda xalqni og'ir ahvolga solishdan yoki o'lkani kashshoqlikka tushirib qo'yishdan ehtiyot bo'lish zarur. Negaki, xalqni xonavayron qilish davlat xazinasining kambag'allashishiga olib keladi, xazinaning bequvvatligi harbiy kuchlarning tarqoqlanishiga, bu esa, o'z navbatida hokimiyatning kuchsizlanishiga sabab bo'ladi...»

«Temur tuzuklari»ni o'z tiliga tarjima qilgan fransuz olimi Lyangle 1787-yilda nashr ettirgan kitobida Temur haqida shunday yozadi: «Temur xon (Temur) siyosiy va harbiy taktika haqida risola yozgan va o'z avlodlariga juda dono tizim qoddirgan. Biz buni tasavvur ham qilmagan edik va uning urushlarini bosqinchilik va talon-taroj qilish deb baholab kelgan edik. Deyarli yengib bo'lmaydigan ikki to'siq – bizdagi taassub hamda tarixiy nohaqlik Temurni bilishimizga va to'g'ri baholashimizga xalaqit berib keldi».

Shuni alohida ta'kidlash lozimki, Amir Temur davlat, jamiyat hayotida bo'lib o'tadigan har bir muhim reja oldidan kengash o'tkazar va bu kengashga nafaqat davlat arboblari, sarkardalar, temurzodalarni, balki sayyidlar, shayxlar, ilm-fan arboblari ham taklif etgan va o'zining har bir yurish oldidan bunday kengashlarni o'tkazib turishni odat tusiga kiritgan.

Amir Temurning tashabbusi bilan 1365-yilda Qarshi, 1370-yilda Samarqand, 1380-yilda esa Keshning atrofi qaytadan mudofaa devorlari bilan o'ralgan. Shuningdek, xalq farovonligiyu, mamlakat obodonchiligi yo'lida suv omborlari, to'g'onlar qurishga, ariqlar qazishga, yangi yerlarni o'zlashtirishga alohida e'tibor berilgan. Mamlakatning iqtisodiy ahvolini ko'tarishda savdning ahamiyati beqiyos ekanligini tushungan hukmdor bozorlar, rastalar va timlar, turli-tuman ustaxonalar barpo etib, xalq hunarmandchilik san'atini taraqqiy ettirgan.

Amir Temur o'zini mohir siyosatchi (diplomat) sifatida ham namoyon qila olgan. Uning Vizantiya, Venetsiya, Genuya, Ispaniya, Fransiya, Angliya, boshqacha aytganda, o'sha vaqtda ko'proq ma'lum va mashhur bo'lgan Yevropa davlatlari bilan iqtisodiy aloqalar o'rnatish va uni mustahkamlash sohasidagi faoliyatini fransuz va ingliz qirollarining unga yozgan maktublari bilan dalillash mumkin.

## AMIR TEMURNING O'RTA OSIYO TARIXIDA TUTGAN O'RNI

M.Rajabov, F.Soliyev, FarDU o'qituvchilari

Amir Temur tarixga mingta jang o'tkazib bironasida ham yengilmagan mashhur sarkarda, davlat tuzilishi ishlariga, ilmfan, ma'rifat, madaniyat taraqqiyotiga ulkan hissa qo'shgan siyosiy arbob sifatida tarixga kirdi.

XIV asrning ikkinchi yarmida Movarounnahr Yaqin va O'rta Sharqning tijorat, iqtisod va madaniyat markaziga aylanib bordi. Chingizxon qo'shinlari tomonidan tag-tubigacha vayron qilingan Samarqand, Kesh, Buxoro, Termiz, Toshkent, Marv, Hirot kabi va boshqa qadimiy shaharlar obod bo'la boshladi. Masjido madrasalar, maqbaralar, karvonsaroylar va hammomlar qurildi.

Ulkan va bepoyon mamlakatning poytaxti rutbasini olgan Samarqand, Amir Temurning niyatiga ko'ra, kurrayi zamindagi eng chiroyli shaharga aylanishi kerak edi. Samarqand O'rta Sharq va Markaziy Osiyoning eng yaxshi me'morlari to'plangan shaharga aylandi. Me'mor va bunyodkor ustalarning bahamjihat sa'y-harakatlari tufayli jahon me'morchiligida yangi yo'nalish paydo bo'ldi va u ijodning go'zal namunalari in'om etdi

XV asr tarixchisi Sharafiddin Ali Yazdiyning guvohlik berishicha, Amir Temur «obodonchilikka arziydigan bir qarich ham yer bo'sh qolmasin», deb qayg'urardi.

Ulkan va qudratli saltanat barpo etgan Amir Temur yangicha tarixiy vaziyatda mamlakatda ma'naviyatning gullab-yashnashi, yuksalishi va o'tmish davrlarning oliy an'analari tiklanishi uchun shart-sharoit yaratdi. Amir Temur va Temuriylar sulolasi vakillarining gumanitar sohalarga alohida e'tibori tufayli XIV-XVI asrlarda yuksak ilmiy va ijodiy yutuqlarga erishildi.

Amir Temur va temuriylar davrida adabiyot, amaliy va tasviriy san'at rivojlandi. Ayniqsa, islomga qadar mavjud bo'lgan devoriy monumental rasm va kitob miniatyurasi san'ati yuksaldi. U tarixda mohir diplomat va davlatlar o'rtasida yaxshi munosabatlarni rivojlantirish, savdo-iqtisodiy aloqalarini yo'lga qo'yish tarafdori sifatida chuqur iz qoldirdi. U Yevropa va Osiyo o'rtasida o'zaro aloqalarni mustahkamlashga qaratilgan keng ko'lamli ishlarni amalga oshirdi.

Amir Temur savdo-iqtisodiy munosabatlar orqali xalqlar va mamlakatlar orasida yagona makon yaratishda misli ko'rilmagan yutuqlarga erishdi. U Ispaniya qiroli Genrix III, Fransiya qiroli Karl IV, Angliya qiroli Genrix saroylariga elchilar yo'lladi; ayni paytda o'z saroyida ispan, fransuz, ingliz, xitoy va boshqa xorijiy mamlakatlarning elchilarini qabul qildi.

Yevropalik olimlar Amir Temur va uning faoliyati haqida bundan to'rt yuz yil ilgari gapira boshlagan edi. 1553-yilda Florensiya (Italiya)da italyan olimi Perondino qalamiga mansub «Skiflik buyuk Tamerlan» kitobi bosilib chiqdi. Bu Yevropada Amir Temur haqidagi ilk ilmiy tadqiqot hisoblanadi.

Yevropa tillarida (ispan, ingliz, fransuz) e'lon qilingan yozma manbalar ichida birinchi o'rinda ispan elchisi Rui Gonsales de Klavixoning «Samarqandga Amir Temur saroyiga sayohat kundaligi (1403-1406)» turadi. Buyuk Rembrandt Boburiylar zamonidagi hind miniatyuralaridan ilhomlanib, Amir Temurni uning vorislari Umarshayx, Zahiriddin Bobur, Humoyun va Akbar davrasida tasvirlaydi.

XVI asrda yashagan mashhur ingliz shoiri va dramaturgi Kristofer Marlning «Buyuk Temur» nomli tragediyasida yosh Temurbek o'zining tengsiz aqli, salohiyati va shijoati bilan jahon tarixidagi qudratli podsholardan biriga aylangani namoyish etilgan. Tragediya XVI asrgacha sahnadan tushmay, Angliyada teatr mavsumini boshlab bergan.

Bir necha yevropalik bastakorlar operalarda Amir Temur obrazini yaratganlar. XVI asr boshida italyan bastakori Gaspirmi «Tamerlan» operasini yaratdi. Mazkur opera Vena teatrida sahna yuzini ko'rdi. Bastakor Leo uni Neapol teatrida sahnalashtirdi. Antonio Vivaldi, Skolari, Gendel va boshqa bastakorlar ham bu mavzuda musiqa asarlari yaratganlar.

Bugun jahonning ellikdan ortiq mamlakatida temurshunos olimlar ilmiy izlanishlar olib bormoq-da. Temur va Temuriylar davriga bag'ishlangan ko'plab kitoblar chop etilmoqda. O'tgan olti yuz yil mobaynida Yevropa tillarida Amir Temurga bag'ishlab yozilgan salmoqli asarlarning soni 500 ga yetdi, Sharq tillarida esa 900 dan oshdi.

Амир Темур, энг аввало, халқини ва юртини золимлар исканжасидан озод этишда мардлик ва жасорат кўрсатди. Ватан иқболи, шону шавкати учун фидойиларча курашди, ўзи айтганидек, «салтанат тўнини кийгач», тинчлигу соғлиғи кетди, ўз тўшагида роҳатда ухлаш, хузур-ҳаловатидан воз кечди. Аммо у «адлу инсоф билан жаҳон гулшани обод бўлур» дея, ўзидан яхши ном қолдирди. Бугунда у тузган қудратли давлатнинг моҳияти ва тарихда тутган ўрнига аҳамият бериб, унинг ўзбек давлатчилиги борасидаги энг яхши анъаналарини ўрганиш, давлатининг вужудга келишини янада кенгроқ таҳлил этиш бугунги давлатчилик ишларимизда жуда қўл келади. Шундай қилиб, Амир Темур салтанатининг ташқил топиши тасодифий бир ҳол бўлмасдан, бутун XIV аср ижтимоий-сиёсий воқеалари ривожланишидаги тарихий жараённинг тақозоси эди.

Марказлашган давлат ташқил топишининг ички ва ташқи шарт-шароитлари мавжуд эди. Ички сабаблари: а) Чигатой улусининг инкирози ва сиёсий тарқоқликнинг кучайиши мамлакатнинг иқтисодий аҳволининг тобора оғирлашиб бораётганлиги, шунинг учун деҳқонлар, чорвадорлар, хунармандлар, савдогарлар – барча аҳоли мамлакатни мўғул зулмидан халос қилиш ва уни бирлаштириш тарафдори эди; б) мўғуллар истибодининг ўрнатилиши, Чигатой хонларидан то Тармаширин давригача ислом дини мавқеини жуда пасайтириб, унинг обрўсини тушириб юборган эди. Давлатда ислом дини мавқеини тиклаш бутун руҳонийларнинг хоҳишига айланган, улар тезроқ бу истибодни тугатиш тарафдори эдилар; в) ўзаро урушлар, ҳокимият талашишлар халқнинг тинкамадорини қуритиб юборган, шунинг учун бутун халқ истиқлол ва ягона давлат тарафдори эди.

Ташқи шарт-шароитларига келганимизда: а) Олтин Ўрда, Оқ Ўрда томонидан Мовароуннаҳрда ўзгаришлар кузатилар, вақти-вақти билан Чигатой улуси ишларига аралашиб ҳоллари юз бериб турарди; б) Чигатой улуси иккига бўлиниб, Мўғулистон ташқил топган ва унинг қудратли хони Туғлуқ Темурхон бу улусни ўз давлатига қўшиб олиш учун икки марта Мовароуннаҳрга қўшин тортиб келиши, яъни қайтадан мўғуллар ҳукмронлигини тиклашга интилиш мавжуд эди. Ана шу шарт-шароитлар Амир Темурнинг марказлашган Туркистон салтанатининг ташқил топишини тезлаштирди.

## АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ ҚУДРАТИ

Н.Киргизова, Наманган ВХТХҚТМОИ ўқитувчиси

XIV асрдаги улкан ва ёрқин сиймо – Амир Темурнинг тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир. Амир Темурни жаҳон тарихига қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этиб, ўрта аср дунёсининг асл маданий ва маънавий марказларидан бирига айланган, инсон ақли ва истеъдодининг ноёб ижоди бўлиб, бугунги кунда ҳам сақланиб қолган мислсиз меъморий обидалари билан машҳур Самарқандни унинг пойтахтига айлантирган атоқли саркарда ва давлат арбоби сифатида ёд оламиз.

Амир Темур Мовароуннаҳрда сиёсий вазият кескинлашган, унинг мустақиллигини таъминлаш зарурати кўндаланг бўлиб турган тарихий шароитда сиёсий кураш майдонига кириб келади.

XVI асрнинг 60-йилларида Мовароуннаҳрда ҳукм сурган оғир сиёсий ва иқтисодий вазият мамлакатни бирлаштириб, кучли бир давлат ташкил этишни талаб қилмоқда эди. Амир Темур ўз замонасининг бундай талабини бошқа амирларга нисбатан яхшироқ тушунарди. Шунинг учун ҳам у марказлашган давлат тузишга киришди. Бундай мақсадни амалга оширишда у руҳонийлар, ҳарбийлар, савдогарлар ва шахар ҳунармандлари табақаларига суянади. Амир Темур бу улкан мақсадни рўёбга чиқариш ишини аввало ички ғанимларга қарши курашдан бошлайди. 1370 йилнинг апрелида Чиғатой улусининг бек ва амирлари, вилоят ва туманларнинг доруғалари, Амир Темурнинг пири Саййид Барака иштирокида қурултой ўтказилади. Қурултойда Амир Темур ҳукмдорлиги расман тан олинади, У Мовароуннаҳрнинг амири этиб эълон қилинди.

Амир Темур давлатни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга киришади. У 1370 йил, июль ойида Самарқандда қурултой чақиради, йиғилганлар Амир Темур ҳокимиятини тан олдилар. Самарқандни давлат пойтахти деб эълон қиладилар. Амир Темур мамлакатда қонун ва тартиб ишларини жорий этади. Махсус кўшин тузиб, унга катта имтиёзлар беради. Амир Темур салтанати билан Олтин Ўрда хонлигидан ташқари, бу даврга келиб мустақил бўлиб олган Хоразм давлати ҳам қарор топган эди. Амир Темур 1372 йилдан бошлаб Хоразмга беш марта ҳарбий юриш қилди, Хоразм 1388 йилда узил-кесил бўйсундирилди.

Шундай қилиб, Амир Темур Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмни бирлаштириб, йирик марказлашган давлат тузди. Бу улкан ҳудудда яшовчи халқларнинг бирлашуви улар тақдирида ижобий аҳамиятга эга бўлди. Амир Темур 35 йил давомида мамлакатни бошқарди. Ҳиндистон ва Хитойдан Қора денгизга қадар ва Орол денгизидан Форс кўлтиғига қадар бўлган ғоят катта ҳудудни қамраб олган улкан салтанатни вужудга келтирди. У нафақат Мовароуннаҳр ва Туркистонни обод қилди, балки бўйсундирилган мамлакатларнинг шаҳарларини ҳам қайта қурдирди. Амир Темур, аввало, Осиё саркардаси эди. У ўзининг ғолиб аскарларидан ўз замонасининг таомили бўйича фойдаланди, давлат бошқариш ва ҳарбий соҳада ўзига хос усул яратиб, шу асосда барпо қилган давлати билан дунёни лол қолдирди.

Амир Темур юртни қудратли марказлашган давлатга айлантира олди. Айни пайтда Европа халоскорига ҳам айланди. Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни каттадир. Амир Темур ҳаётлик давридаёқ ҳарбий санъати ва давлат бошқарув услубига бағишланган махсус асар яратилиб, у «Темур тузуклари» номи остида шуҳрат топади. Унда давлатни бошқаришда кимларга таяниш, тожу тахт эгалари фаолиятининг тартиби, тутуми ва вазифалари, вазир ва кўшин бошлиқларини тайинлаш тартиблари белгилаб берилган. Амир Темурнинг «Куч адолатдадур» деган сўзлари унинг мамлакатни ақл-заковат ва адолат билан бошқарганлигидан гувоҳлик беради.

Соҳибқирон Амир Темур машҳур давлат арбоби, мохир саркарда сифатида Ўзбекистонда давлатчилик юксалишида муҳим ўрин тутади. Тарихий манбалардан Амир Темур Соҳибқирон номи билан бир қаторда «Соҳиби жаҳон» ҳамда «Соҳиби-адл» – «Адолат соҳиби» номлари билан улуғланади.

## БУЮК САЛТАНАТ ҲУКМДОРИ

Ҳакимаҳон Тошпулатова, Қува туманидаги 61-мактаб ўқитувчиси

Амир Темур ўз салтанатини барпо этишда жамиятнинг зиёли, олиму фузало, доно кишиларига алоҳида эътибор қаратди, уларга ҳомийлик қилди. Ўзининг «Тузуқлари»да шундай деб ёзади: «Одам Атодан бошлаб Ҳотам ул-анбиёгача, улардан ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунлари ва туриш-турмушларини донолардан сўраб суриштирдим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва яхши ахлоқлари, маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим»<sup>20</sup>.

Соҳибқирон давлатни бошқариш қонун-қоидаларини ўн икки тоифага бўлар экан,-деб ёзади Эркин Азимов ўзининг «Амир Темур салтанати» рисоласида, тўққизинчи тоифага кўра ўз атрофига муҳандислар, пайғамбар, уларнинг авлодлари ва саҳобалари ҳақида ривоятлар нақл қилувчи қиссаҳонларни ҳам тўплайди. Амир Темур ўзининг бўш вақтларини улар билан суҳбатда ўтказиб, пайғамбарлар ва авлиёлар ҳақида халқ ўртасида тўплаган ривоятларни диққат билан эшитади. Айниқса, қадим замонларда ўтган шаҳаншоҳлар, подшоҳлар тўғрисидаги хикоялар, уларнинг салтанат тахтига қандай эришганликлари ва не сабабдан инқирозга учраганликлари уни кизиқтиради. «Ҳар қайсисининг қиссалари ва хабарлари, ишлари ва сўзларини улардан эшитардим ва олам аҳволидан хабар топар эдим»<sup>21</sup>,- дейди соҳибқирон.

Амир Темур ўнинчи тоифага машойихлар, сўфийлар, орифларни киритади. Буюк салтанат эгаси бўлишига қарамай, у камтарлик билан: «Уларнинг хизматларида бўлдим, суҳбатлар қурдим, дунё охиратларининг фойдали томонларини билиб олдим», -деб эслайди. Ўз салтанатини идора қилар экан, ҳузурида ўтказиладиган кенгашлар, маросимлар, тантанали йиғилишларда фарзандлари, набиралари, давлат арбоблари, лашкарбошилар тахт атрофида қандай жойлашишларини, ўрин эгаллашларини белгилаб чиқади. «Амр этдимки, ўғилларим, набираларим ва қавм-қариндошларим ўз даража ва мартабаларига яраша ҳудуд кўрғонлагандек, салтанат тахтини ўраб турсинлар. Саййидлар, қозилар, уламо, фузало, шайхлар, улуғлар ва ашроф ўнг томондан ўраб олсинлар»<sup>22</sup>. Бу сўзлардан ҳам кўриниб турибдики, у фан арбобига алоҳида эътибор берган.

Амир Темур ўзининг улкан салтанати атрофига замонасининг кўзга кўринган кишиларини тўплаган эди. Бу олим ва фозил кишиларнинг асосий қисми пойтахт шаҳар Самарқандга йиғилган эдилар. Салтанатда кўплаб кўзга кўринган обрўли кишилар меҳнат қилган. Булар Хожа Маҳмуд ибн Шихоб ал-Харавий ва Маъсуд ас-Симоний, Аҳмад ат-Тусий, Мавлоно Шамсуддин эдилар.

<sup>20</sup> Темур Тузуқлари. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрети, 1991 й. 55-б.

<sup>21</sup> Ўша асар. 66-б.

<sup>22</sup> Ўша асар. 90-б.

## АДОЛАТ СОҲИБИ

Р.Шарофиддинов, Фарғона ВХТХҚТМОИ ўқитувчиси

Маълумки, буюк саркарда Амир Темур юрт озодлиги йўлидаги буюк мақсадини амалга ошириб, Мовароуннахр тахтига чиққанида Туронзамин босқинчи золимлар кўлида узоқ йиллик асоратдан кейин хароб ўлкага айланган, иқтисодий ҳаёт издан чиққан, халқ қашшоқ ҳаёт кечирар эди. Айни шу сабабдан у салтанатда адолатни устивор қилиб, халқ турмушини яхшилашга жиддий эътибор қаратди. Одамларга, халққа эътибор бериш ва ҳимоя қилиш Соҳибқирон адолатининг бош ўзагини ташқил қилар эди. Адолат олдида барча тенг: хоҳ ўзининг фарзандлари бўлсин, хоҳ оддий фуқаро – барчага бирдай адолат кўзи билан қарар эди. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришларича, Соҳибқирон сафардан қайтиб келганда, шахсан ўзи бозорни текширар, агар қассобу баққол, новвойлар ва ҳоказолар фойда топаман деб, нарх-навони ошириб юборган бўлсалар, адолат русуми бузилганини кўрса, эл олдида ўша гуноҳкорнинг аёвсиз жазосини берарди. Ёлғон гапни ёмон кўрарди.

Тарихий манбалардан маълумки, Соҳибқирон кек сақлайдиган, мансаб-мартабадан фойдаланиб, одамларга ёмонлик қиладиган кишиларни ҳокимият ишига яқинлаштирмаган. Шунингдек, у кечирувчан бўлиб, меҳр-шафқатли, ақлли душманларнинг куч ва салоҳиятини давлат ишига йўналтира олган буюк донишманд эди. «Темур тузуклари»да дўсту душман билан муомала қилиш борасида махсус пандлар мавжуд. Демак, унга ёмонлик қилган, аммо чорасиз қолиб, паноҳига илтижо билан келганларга яхшилик билан жавоб қайтариш Амир Темур давлатида хос қоида ҳисобланган.

Амир Темур ҳамиша ваъдасига вафо қилгани, бу имон белгиси эканлигини кўп бор айтиб ўтган: «Мен ҳар кимгаки ваъда берсам, унга вафо қилдим, ҳаргиз ваъдага хилоф иш қилмадим. Мен доимо ваъдаларимни аниқ бажарсам, шундагина одил бўлишимни ва кимсага жабр етказмаслигимни англадим».

Ушбу сўзлардан кўриниб турибдики, Амир Темур инсоф-диёнатли, қалбан мўмин мусулмон, барчага тенг муомала қиладиган бетақрор фазилат эгаси бўлган. Унинг барча хатти-ҳаракатлари салтанат ва халқ манфаатларини бирлаштириб, адолатли сиёсат олиб боришга қаратилган. Умрининг катта қисмини Амир Темур тарихини ёритишга бағишлаган француз олими Жан-Поль Ру Амир Темурнинг ўз ватани, дўстларига садоқати, адолати, камбағал ва заифларга меҳр-муруввати, босиқ ва жасурлиги, саҳийлиги, ахлоқий қадриятларни устун қўйиши, илм аҳлига юксак ҳурмати, художўйлиги, маданиятлиги, қизиқувчан ҳамда бошқа сифатлари унинг муваффақиятларига сабаб бўлган омиллардан эканини айтиб ўтган.

Амир Темур улуғлаган ва ўзининг ҳаётий шиорига айлантирган эзгулик, адолат тамойиллари, бағрикенглик, меҳр-мурувват, эл-юрт фаровонлиги ва ободлиги, бунёдкорлик каби эзгу интилишлари истиқлол йилларида ҳаётимизнинг бош мезонига айлангани юртимиз тараққиётига хизмат қилмоқда. Буюк бобокалонимизнинг ибратли ишлари бугунги кунда ёшларимизни миллий анъана ва қадриятларимиз, аждодларимизга муносиб инсонлар этиб вояга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

## АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИ

М.Соипова, Фарғона ВХТХҚТМОИ ўқитувчиси

Амир Темуր Мовароуннахрнинг ягона ҳукмдори бўлиб олгач ўз давлатини сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида қатор қурилтойлар ўтказди. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Темуր томонидан Қарши, Қорабоғ, Самарқанд ва бошқа жойларда ўтказилган қурилтойларда шахзодалар, бош амалдорлар, маъмурий раҳбарлар, ҳарбий бошлиқлар ва аристократиянинг бошқа вакиллари иштирок этган. Бу қурилтойларда мамлакат ва давлатнинг хўжалик соҳасидаги ҳамда ҳарбий аҳвол ҳақидаги энг муҳим масалалари муҳокама этилар, мамлакат ва давлат учун зарурий ҳисобланган ишларни бажариш тўғрисида қарорлар қабул қилинар ва тадбирлар белгиланар эди.

У Балхдан ўзи туғилиб ўсган Кеш (Шаҳрисабз) шаҳрига бориб, у ерда давлат ишларини тартибга солади. Унинг асосий вазифаси феодал тарқоқлигига барҳам бериш, айрим ерларни мустаҳкам ва кучли давлат қилиб бирлаштиришдан иборат эди. У амир Довудни девон амири, яъни вазир қилиб тайинлади. Кебекхоннинг Мовароуннахрни туманларга бўлганлигига асосланиб, туманларнинг бошлиқлари ва мингбошиларини тайинлайди.

1370 йилда Амир Темуր Самарқандга келиб, шаҳар деворлари, қалъалар ва саройлар барпо қилишга киришди. Унга мустаҳкам пойтахт – душманларнинг ҳужумларига қарши тура оладиган таянч бир жой зарур эди.

Амир Темуր тарихидаги буюк саркардалар орасида алоҳида ажралиб туради. Лекин ҳарбий тарихни махсус мутахассис сифатида ўрганувчилар бошқа янада жиддийроқ мезонларга мурожаат этадилар. Улар олиб борилган ҳар бир жангни геополитик замин билан боғлиқ ҳолда у ёки бу ҳарбий юриш нима учун ғалабага олиб келганлигини атрофлича ўрганишга ҳаракат қиладилар. Бизнинг тадқиқотимизга кўра, Амир Темур барча давр буюк ҳарбий қўмондонлари орасида ўзига хос алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг куч-қудрати ва чидамлилиги ҳам кишини лол қолдиради. У амалга оширган узоқ муддатли ҳарбий юришлар (айримлари етти йилгача чўзилган) бунга яққол мисол бўла олади. Ҳатто ҳаётининг сўнгги йилларида ҳам Амир Темурда ғайрат-шижоат тўлиб тошганлигини кўрамиз. У Анқарада Боязидга қарши олиб борилган машҳур жангни бошқарганида 70 ёш атрофида бўлган. Буюк саркарда сифатида Амир Темур ўз жангчиларини доимо курашчан вазиятда тутган. У жангга узоқ тайёрланиш орқали тез, шиддатли ҳужум уюштиришни афзал билган.

«Нотўғри ҳолат, вазиятда мингта жангчи билан тургандан кўра, ўнта жангчи билан тўғри ҳолат, вазиятда турган маъқул», деб ҳисоблайди Амир Темур.

Стратегияда Амир Темур маҳоратини кўрсатувчи яна бир жиҳати, у ўз олдига қўйган мақсадига (кўпинча) жангсиз эришиш қобилиятидир. Амир Темур ўз ҳарбий фаолиятининг бошланишидаёқ илғор ҳарбий кучлар устидан қўмондонлик қилиб турган Туғлуқхон билан ўта нозик (махфий) иттифоқ тузади. Бу эса, Амир Темурга ўзи бошқариб турган ерларда, ўзининг ҳукмронлигини мустаҳкамлашга имкон беради. Бундай иттифоқдошлар тузиш, унга бошқа айрим жангларда ҳам ғалаба қозонишга ёрдам берган. У ўз империясини ҳимоя қилишда иттифоқдош томонларни доимий равишда ўзгартириб ҳам турган.

Соҳибқирон армиясида мунтазам қўшинга хос бўлган кўпгина белгилар мавжуд эди. Қўшин сон жиҳатидан аниқ ва пухта ташкил этилган, унинг жангавор тартиби – такомил даражасига кўтарилган, қўшин ўз замонининг илғор қурол-яроғи, техникаси билан қуролланган, ҳар бир қисм, бўлинма айнан бир турдаги қурол-яроғ, техника-анжом билан таъмин этилган. Бўлинмалар, қисмлар бир-биридан кийим-боши, кўтарган байроғи, ҳатто минган отининг туси орқали ҳам фарқланган. Амир Темур тоғли ҳудудларда жанг ҳаракатлари олиб бориш қобилиятига эга бўлган пиёдалардан тузилган махсус ҳарбий қисмларни ташкил этди.

Юришлар олдидан Соҳибқирон арқони давлат, вазирлар, саркардалар, амирзодалар, беклар ва амирларни ҳарбий кенгаш – машваратга тўплаган, сўнгра аскар йиғиш учун махсус буйруқ эълон қилинган, қисмлар ҳарбий кўриқдан ўтказилган.

Соҳибқирон ташкил қилган қудратли ва интизомли армия, жаҳоннинг ўша вақтдаги энг илғор армияси сифатида, ҳатто ҳозирга қадар ҳам буюк саркардалар ҳарбий мутахассислар, тарихчи олимлар томонидан эътироф этилмоқда.

## САЛОҲИЯТЛИ ҲУКМДОР

А.ОТАЖОНОВ, Фарғона ВХТХҚТУМОИ  
ўқитувчиси

Амир Темур давлатни адолатли бошқаришда машварату маслаҳат, кенгаш фикридан фойдаланарди. Давлатни бошқарувчисидан кўйидаги фазилатлар мужассам бўлишлигини ўқтирар эди: «Юксак, олижаноб, зийрак ва нозик ақл эгаси бўлиши, халқ, кўшин билан муомала қила оладиган, сабр-тоқатли, тажрибали шахс вазир, амалдор, раҳбар бўлиши мумкин»-деб ҳисоблар эди. «Бундай фазилатли кишилар халқ оммаси ва салтанатда ҳурматиға эға бўлади, ундай шахслар раҳбар бўлган салтанат салоҳиятли бўлади», дер эди. Бунға ўзи амал қилар ва фарзандлари, невараларини ушбу фазилатларға эға бўлишлиғиға ундар эди.

Амир Темур ҳамма соҳаға амалдорларни ўзи танлар, синаб кўриб кейин лавозимларға тайинлар эди. Амалдорлардан асосан тўқмижоз диёнатли, инсофли, сабр-тоқатли, халқпарвар, адолатпарвар кишиларни танлар, улар устидан ўзи назорат қилар, топшириқларнинг бажарилиши устидан ўзи назорат қилар ва талаб қилар эди. Бу талабларни сидку дилдан бажарган раҳбар, амалдор ва хизматчиларни рағбатлантиришни ҳеч унутмас эди. Унда давлат, халқ манфаати йўлида ниҳоятда қаттиққўл, шахсий ҳаётда юксак инсонпарварлик фазилатиға эға эди. Бу Темурнинг севган сиёсати ва давлатни бошқаришдаги ўзига хос қонуний ҳаракати бўлиб давлат қонун-қондасининг тўла амалда бажарилишини талаб қилар, бажарилмаса нафақат кўрқув, балки даҳшатли услубларни қўллаган.

Амир Темурға ҳар бир халқнинг аҳволидан, урф-одати, дини-этиқодидан, у қаердан бўлишидан қатъий назар кайфиятидан узлуксиз хабардор қилиб турилар, ўзи ўша халқ урфу одатларини ҳурмат қилар ва унга риоя этар эди, ўша халқ раҳбарлиғиға ҳам ана шундай кишини раҳбар этиб тайинларди.

Халқ билан кўшинлар ўртасида низоларни бартараф қиладиган ҳакамлар (судьялар, қозилар) тайинлар эди. Унда кўшин ва халқни талашға, ортиқча солиқ ва бошқа нарсалар талаб қилишини қатъиян ман этар эди. Буни назорат қилиш учун 2-та назоратчи (садр) ажратилар, улардан бири халқни зўравонлик ва ортиқча солиқлардан ҳимоя қилар, халқнинг кўшинларға берган нарсаларининг ҳисобини олар, иккинчиси эса кўшинлар халқдан олаётган нарсаларнинг ҳисобини оларди. Адолатсизлик юз берса ўша иккинчи назоратчи орқали аниқланар эди.

Ҳар бир бошлиқ ва амалдорға (амир ёки мингбоши) уч йилға тиюл ҳамда унга тегишли кўшинларни таъминлаш жойи (шаҳар, қишлоқ, вилоят) бериларди.

Бу муддат тугагандан сўнг аҳолининг бошлиқдан мамнун ёки мамнун эмаслиғи, уларнинг (халқнинг) турмуши яхши ёки ёмон бўлганлигини текшириш учун (уч йил ўтгандан сўнг) назоратчилар (инспектор) юборилар эди. Агар аҳоли бошлиқдан мамнун бўлса, у яна кейинги муддатға қолар, ёмон бўлса, аҳоли норози бўлса уч йил халқдан олинган ортиқча нарсалар тортиб олиниб, уч йилгача унга маош берилмас эди. Бу тартиботни амалда қаттиқ ўрнатгани ва узлуксиз бажаргани учун Темурға нисбатан фуқаронинг ҳурмати чексиз эди. Халқ ўртасида унинг номи «адолат ҳомийси» деб бекорға тарқалмаган.

Амир Темур ижтимоий сиёсатида порахўрлик оғир жиноят ҳисобланиб, унга бериладиган жазо даҳшатли эди. Деҳқончиликдан солиқ олишнинг инсонпарварлик сиёсатиға амал қилиб қатъий тартиб белгиланганди.

## АМИР ТЕМУРНИНГ БОШҚАРУВ СИЁСАТИ

М.ХОЛИҚОВА, Тошкент ШХТХҚТМОИ кафедра муdiri,  
ф. ф.н, доцент.

Амир Темур - ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомийси.

Бу ақлли ва билимли инсон ўз давлатининг куч-қудратини ошириш ва мустаҳкамлаш учун энг биринчи навбатда ҳарбий ва иқтисодий ислохотлар ўтказди. Амир Темур Мовароуннаҳрда оғир ва ечилиши мушкул ҳаёт-мамот масаласи бўлган, 150 йил давомида аждодларимизнинг тинқасини қуритган мўғуллар зулмига барҳам берди.

У Мовароуннаҳрни ягона давлатга бирлаштириш билан чекланмади, балки унинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий асосларини шакллантириб, буюк салтанат даражасига кўтарди.

27 та давлатни бирлаштирган салтанатга маънавий салоҳияти, сиёсий барқарорлиги ва ҳарбий қудрати борасида ўша даврнинг бирорта давлати тенглашолмайди.

Амир Темурнинг толерантлиги алоҳида тадқиқотни талаб этади. У илк маротаба ана шу ғояга асос солган ҳукмдорлардандир.

Унинг насроний қиролларга йўллаган мактубларида «Сиз савдогарларингизни биз томонларга юборсангиз, токи биз уларни барча иззатларни ўрнига қўйиб кутиб олайлик. Бизнинг савдогарларимиз Сиз томонларга борсалар ва уларга ҳам шундай иззат-иқром кўрсатсалар. Майли, улар ҳеч қандай хавф-хатарсиз, тўсиқсиз йўл юрсинлар. Дунёни савдогарлар фаровон қиладилар», дея кўп бора таъкидлаган.

Ғарб ва Шарқ бир-бирини яқиндан билмаган, диний адоватлар замирида урушлар чиққан ўша даврларда ҳар икки қитъа аро дўстона муносабат ўрнатилиши амримаҳол эди. Амир Темур биринчи марта Ғарб ва Шарқ ўртасидаги муносабатларни шартномалар орқали мустаҳкамлашни ғарб қиролликларига таклиф этган ва бу муаммони расмий тарафдан ҳал этишга интилган. Амир Темурнинг бу хатти-ҳаракатлари бугунги кунда «Кўл чўзиш сиёсати» деб аталмоқда.

Унинг фаол дипломатияси туфайли буюк аждодимиз тузган ва бошқарган улкан салтанат билан жаҳоннинг барча таниқли давлатлари, шу жумладан, Европа мамлакатлари ўртасида доимий алоқа ўрнатилган ва бу ўз навбатида иқтисодий ва маданият тараққиётига хизмат қилган.

У Испания қироли Генрих III, Франция қироли Карл IV, Англия қироли Генрих I саройларига элчилар йўллади, айни пайтда ўз саройида испан, француз, инглиз, хитой, араб ва бошқа хорижий мамлакатларнинг элчиларини қабул қилди.

Ўша даврдаги христиан элчиси Иоанн Франциск шундай ёзади: «Амир Темур форс, араб ва турк тилларини билади. Куръон ва Ислом ҳуқуқшунослиги илмида шу қадар кучли олимки, ҳеч бир мусулмон олими у билан мунозара қилишга қодир эмас. У уламо ва шоирларга катта ҳурмат кўрсатади».

Амир Темур аввалги давр донишмандларининг сиёсий тафаккурини, шу жумладан, чингизийларнинг «Ясоқ», «Мангу ёрлик» сингари давлат бошқарувига оид ҳужжатларини синчиклаб ўрганган. Бундай ўқиб-ўрганишлар натижасида буюк давлат арбоби «Тузуки Темурий» номли қонун-қоидалар тўпламини яратди. «Тузуқлар» ўз даврининг Конституциясидир, десак муболаға бўлмайди. Атоқли шарқшунос олим Логофет эътироф этганидек, «Туркистонда ғарбий Европадан 500 йил олдин Конституция вужудга келган».

«Тузуқлар»да инсон омилига олий қадрият сифатида қаралган. «Раият хонавайрон қилинса, давлат хазинаси камбағаллашади, бу эса ўз ўрнида салтанатнинг кучсизланишига сабаб бўлади», дея қайд этади улуғ давлат арбоби. Халқнинг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий қудратини оширишга хизмат қилишини буюк саркарда бундан олти аср муқаддам теран англаган ва шунга интилган.

Тарихчи олим Гарольд Лэмб Амир Темур ҳақида: «У Александр Македонский каби қиролнинг ўғли ёки Чингизхон каби қудратли уруғ дохийсининг меросхўри эмасди. Енгилмас Александр дастлабки ҳарбий юришларида ўз халқидан, яъни македонлардан фойдаланди, Чингизхоннинг ортидан унинг мўғуллари эргашдилар.

Темур эса ўз атрофига одамларни тўплашига тўғри келди. Темур ҳеч бир таърифга сиғмайди. У ўз сулоласини яратди. У варварлар -дохийси Аттила каби Римни изламади, аммо ўз Римини барпо қилди», деб ёзган.

Кўҳна тарих неча-неча ҳукмдорларни кўрган. Фақат «адолатли давлат раҳбари» деган ном уларнинг барчасига ҳам насиб этавермаган. Улуғ ҳукм-дор жаҳоннинг учдан бир қисмига тенг келадиган салтанатини адолат, ҳаққоният асосида, қонун-қоидага таяниб бошқарган. «Тузуқлар»да битилганидек, «қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади». «Куч адолатда» шиори бутун Амир Темур давлати ҳудудида ахлоқий ва маънавий мезонга айланди.

Улуғ соҳибқирон шахсига чексиз ҳурматимизни ифодалай туриб ўзликни англаш, тарихий таянч вазифасини бажариб берган Темур нафақат ўз даврида, балки бугун ҳам мустақил Ўзбекистоннинг ривожланиш ва миллий ғоясини шакллантиришда жуда катта аҳамиятга эгаллигини эътироф этамиз. Ўзбек давлатчилиги тарихида Темур буюк мактаб яратган. Шунинг учун ҳам у Ўзбекистонда миллатнинг тимсоли бўлишга, миллий ғоянинг негизида туришга ҳақлидир.